


Qadamboy RAHIMOV

# Musiqaning elementar nazariyasi



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**



**Q.RAHIMOV**

**MUSIQANING ELEMENTAR  
NAZARIYASI**

*O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi  
tomonidan oily o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma  
sifatida tavsiya etilgan*

**«MUSIQA» nashriyoti  
Toshkent  
2007**



## Taqrizchilar:

**S.D.Dostov** – Buxoro Davlat universiteti «Musiqa nazariyasi va xalq cholg‘u asboblari» kafedrasi mudiri, p.f.n., dotsent;

**F.J.To‘rayev** – «An’anaviy musiqa» kafedrasi mudiri, p.f.n., dotsent

Mazkur qo‘llanmada «Musiqaning elementar nazariyasi» kursi bo‘yicha barcha asosiy tayanch tushunchalar va ularning izohlari keltirilib, har bir tushuncha misollar va jadvallar vositasida atroflicha tushuntirib berilgan.

**Qat’iy buyurtma**

**ISBN 978-9943-307-19-3**


© O‘zbekiston davlat konservatoriyanining  
«Musiqa» nashriyoti, 2007-y.

# I BOB

## TOVUSHLARNING NOMLARI VA YOZILISHI

### 1. Tovushlarning nomlari

1. *Musiqaviy tovush* – aniq balandlikka ega bo‘lgan tovushlar.  
Masalan: musiqa asboblarining tovushlari, odam ovozi.
2. *Shovqinli tovush* – aniq balandlikka ega bo‘lmagan tovushlar.  
Musiqada shovqinli tovushlardan ham keng foydalaniadi; masalan, doyra, nog‘ora, baraban, tarelka, qayroq, qoshiq va h.k.larning tovushlari.
3. *Musiqaviy tovushqator* – barcha musiqaviy tovushlarning balandlik tartibi bo‘yicha joylashishi:



4. *Tovushqator asosiy pog‘onalarining bo‘g‘in nomlari* – do, re, mi, fa, sol, lya, si.



5. *Asosiy pog‘onalarning harfiy ishoralari* – Cc, Dd, Ee, Ff, Gg, Aa, Hh.



6. *Musiqqa alifbosi* – musiqaviy tovushlarning harfiy ishoralar bilan belgilanish tizimi («alifbo» yoki «alfavit» so‘zi yunon alifbosining ikkita boshlang‘ich harfidan, ya’ni «alfa» va «beta» (yunoncha «vita») harflaridan olingan).

Musiqa alifbosining kelib chiqish tarixi juda qadimiydir.

Eng dastlabki qadimiy yunon harfiy notatsiyasi eramizdan oldingi III asrdan yangi eraning X asrigacha mavjud bo‘lgan.

Erta o‘rta asr davrida esa G‘arbiy Yevropada qadimiy yunon harfiy notatsiyasi bilan birga lotincha harfiy notatsiya ham qo‘llanilgan. Ikki oktava hajmidagi diatonik tovushqator *A, B, C, D, E, F, G, a, b, c, d, e, f, g, a* harflari bilan belgilangan, bunda *a* harfi hozirgi *lya* tovushining bo‘g‘in nomiga, *c* harfi esa *do* tovushining bo‘g‘in nomiga muvofiq kelgan.

XI asrda qo‘shiqchilik amaliyotiga Italiyalik musiqa nazariyotchisi Gvido d’Aretssso tomonidan tovushlarning yangi bo‘g‘in nomlari kiritilgan: *ut, re, mi, fa, sol, lya*. Bu nomlar cherkov xonandalarining qadimiy gimn matnidan olingan. Bu gimnda xonandalar muqaddas Ioanna xudosidan o‘z ovozlarini tiniq va toza saqlashni iltijo qilganlar. Qo‘shiq matnidagi har bir misraning kuyi avvalgisidan bir pog‘ona baland tovushdan boshlangan, har bir yangi misraning boshlang‘ich bo‘g‘ini unga mos tovushga berkitilgan va shu tovush nomiga aylangan. Bu yangilik xonandalarga tovushlar oraliqlarini yodda saqlashga yengillik tug‘dirgani uchun juda katta amaliy ahamiyatga ega bo‘lgan.

Talaffuz uchun noqulay bo‘lgan *ut* bo‘g‘ini (Italiyalik nazariyotchi Dj. Doni tomonidan 1540-yillar arafasida) «*do*» bo‘g‘ini bilan almashtirilgan.

O‘rta asr musiqa nazariyasi olti tovushli tovushqatorga, ya’ni *geksaxordga* asoslangani uchun tovushlarning oltita bo‘g‘in nomi bilan cheklangan. Keyinchalik olti tovushli tovushqatorga qo‘shilgan yettinchi tovush uchun (X. Virlant tomonidan 1574-yilda) gimn matnidagi oxirgi ikki so‘zning birinchi harflari olinib, *si* bo‘g‘in nomi kiritilgan.

XII asrdan keyin harfiy notatsiya *nevralar va kvadrat notatsiya* tomonidan siqib chiqarilgan, ammo u XIV–XVIII asrlar davomida organ va lyutnya tabulaturasida keng qo‘llanilgan.

Tovushlarning harfiy notatsiya tizimi bizning davrimizgacha yetib kelgan; hozirda u musiqashunoslikda va o‘quv amaliyotida keng qo‘llanilmoqda.


Quyida shu gimnning hozirgi nota yozuvidagi taxminiy ko‘rinishi keltirilgan:

Ut queant laeti responsum  
Re zo nra re fib ns  
Mi ra ge sto rum  
Fa rnu li tu o rum  
Sol ve pol lu ti  
La bi i re a tum  
San cle jo an nes

## 2. Oktavalar

1. *Oktava* – bir xil nomdagи tovushlar oralig‘i.

2. *Oktavalarning nomlari* – subkontr, kontr, katta, kichik, birinchi, ikkinchi, uchinchi, to‘rtinchi va beshinchi oktavalar.



3. *Fortepiano* – torli - klavishli, urib chalinadigan musiqa asbobi.

4. *Fortepiano klaviatursasi* – fortepianodagi oq va qora klavishlarning ma'lum bir tartibda joylashishi.

5. *Diapazon* – ovoz va musiqa asboblaridagi eng pastki va eng yuqori tovush oralig‘i.

**6. Registr** – yagona tembr bilan xarakterlanuvchi musiqa asbobi yoki ashulachilik ovozi diapazonining ma'lum bir qismi. Musiqaviy tovushqator va ashulachilik ovozlarini shartli ravishda 3 ta: past, o'rtalari, yuqori registrga bo'lish mumkin.

Musiqaviy tovushqatorda mavjud bo'lgan to'qqizta oktavaning barcha tovushlarini harfiy ishoralar bilan belgilab chiqish mumkin.

Buning uchun quyidagi jadvalni o'rganib chiqish zarur.

*1-jadval*

Tovushlarning nomlari, oktavalar va ularning harfiy tizim bo'yicha belgilanishi

ta	oktavalar	do	re	mi	fa	sol	lya	si
1.	subkontr oktava	-	-	-	-	-	A <sub>2</sub>	H <sub>2</sub>
2.	kontr oktava	C <sub>1</sub>	D <sub>1</sub>	E <sub>1</sub>	F <sub>1</sub>	G <sub>1</sub>	A <sub>1</sub>	H <sub>1</sub>
3.	katta oktava	C	D	E	F	G	A	H
4.	kichik oktava	c	d	e	f	g	a	h
5.	birinchi oktava	c <sup>1</sup>	d <sup>1</sup>	e <sup>1</sup>	f <sup>1</sup>	g <sup>1</sup>	a <sup>1</sup>	h <sup>1</sup>
6.	ikkinchi oktava	c <sup>2</sup>	d <sup>2</sup>	e <sup>2</sup>	f <sup>2</sup>	g <sup>2</sup>	a <sup>2</sup>	h <sup>2</sup>
7.	uchinchi oktava	c <sup>3</sup>	d <sup>3</sup>	e <sup>3</sup>	f <sup>3</sup>	g <sup>3</sup>	a <sup>3</sup>	h <sup>3</sup>
8.	to'rtinchi oktava	c <sup>4</sup>	d <sup>4</sup>	e <sup>4</sup>	f <sup>4</sup>	g <sup>4</sup>	a <sup>4</sup>	h <sup>4</sup>
9.	beshinchi oktava	c <sup>5</sup>	-	-	-	-	-	-

### 3. Yarim ton, butun ton va alteratsiya belgilari

**1. Yarim ton** – tovushlarning eng yaqin oralig'i, masalan, *mi-fa, si-do*.

**2. Butun ton** – ikkita yarim tonga teng oraliq, masalan, *do-re, re-mi, fa-sol, lya-si*.

**3. Alteratsiya** (o'zgartish) – tovushqator asosiy pog'onalarining ko'tarilishi yoki pasaytirilishi.

**4. Hosila pog'onalar** – asosiy pog'onalarni alteratsiya qilish orqali hosil bo'lgan pog'onalar.

**5. Diyez #** – asosiy pog'onani yarim ton yuqoriga ko'tarish belgisi.

**6. Bemol ♭** – asosiy pog'onani yarim ton pasaytirish belgisi.

**7. Dubl-diyez** – asosiy pog'onani 2 marta yarim ton ko'tarish belgisi.

**8. Dubl-bemol ♭** – asosiy pog'onani 2 marta yarim ton pasaytirish belgisi.

**9. Bekar ♯** – alteratsiya belgilarini bekor qilish belgisi.

10. **Diatonik yarim ton va butun ton** – yonma-yon joylashgan 2 ta asosiy pog‘ona orasida hosil bo‘lgan yarim ton va butun ton, masalan:

**diatonik yarim tonlar:** *do-diyez-re; mi-fa; sol-lya-bemol;*

**diatonik tonlar:** *re-mi, mi-fa-diyez, sol-lya, mi-bemol-fa.*

11. **Xromatik yarim ton va butun ton** – bir xildagi asosiy pog‘onalardan tuzilgan yarim ton va butun ton, masalan,

**xromatik yarim tonlar:** *fa-fa-diyez, lya-lya-bemol, si-si-diyez;*

**xromatik tonlar:** *do-do-dubl-diyez, re- re-dubl-bemol, mi-mi-dubl-diyez.*

Bunda *si* tovushining belgilanishi o‘z tarixiga ega. *Si* tovushi qadimdan lotin alifbosining *b* harfi bilan belgilangan. Ammo XI asrdan boshlab iste’molga ikki xil «*si*» tovushi: «qattiq» *si* va «yumshoq» *si* kirib keldi. Shuning uchun ham u *b* harfining ikki xil yozilish usuli bilan belgilandi; «yumshoq» *si* yumaloq shakldagi *b* harfi bilan (lotincha *b* –mollum) va «qattiq» *si* kvadrat shakldagi *b* harfi bilan (lotincha *b* quadratum yoki *b* carrum) belgilandi.

Bekar belgisi ham shundan kelib chiqqan.

Asta - sekin «yumshoq» *si* «qattiq» *si* ga qaraganda ko‘proq qo‘llanila boshlandi va *b* harfi *si-bemol* tovushi uchun berkitildi. «Qattiq» *si* o‘z nomini yo‘qotib, uning uchun lotin alifbosining sakkizinchı harfi (h) kiritildi.

Xromatik, ya’ni alteratsiyalashgan tovushlarni yozish uchun maxsus bo‘g‘inlar ishlataladi.

Buni quyidagi jadvaldan bilib olish mumkin:

*2-jadval*

Alteratsiya belgilarining harfiy tizimi

№	belginining nomi	yozilishi	harfiy ishorasi	do	re	mi	fa	sol	lya	si
1.	diyez	#	is	cis	dis	eis	fis	gis	ais	his
2.	bemol	♭	es	ces	des	es	fes	ges	as	b
3.	dubl-diyez	♯	isis	cisis	disis	eisis	fisis	gisis	asis	hisis
4.	dubl-bemol	♭♭	eses	ceses	deses	eses	fezes	geses	ases	bes

#### 4. Obertonlar

**Obertonlar** – tovush to‘lqinlarining murakkab shakllari natijasida yuzaga keladigan yuqori tonlar.


Tovush chiqarayotgan tebranuvchi jismning uzunasi bo‘ylab asosiy tebranish tezligi tovushning balandligini belgilaydi, ammo,

tovush bir qator eshitish qiyin bo'lgan qo'shimcha tovushlar bilan birga jaranglaydi. Fizik tajribalarning ko'rsatishicha tebranayotgan jism (masalan, tor) nafaqat uzunasi bo'ylab, balki bir vaqtning o'zida uning 1/2, 1/3, 1/4 va h.k. qismlari ham tebranish hosil qiladi. Jismning yarmi uning asosiy tebranishidan 2 marta tez, 1\3 qismi esa 3 marta va h.k. tez tebranish hosil qiladi. Shuning uchun ham barcha qo'shimcha tovushlar asosiy tovushdan baland eshitiladi. Ularning obertonlar, ya'ni yuqori tovushlar nomini olishi ham shundan kelib chiqqan.

Obertonlarning balandlik bo'yicha joylashish tartibi aniq matematik nisbatlar bilan belgilanib, tebranishning 2 marta tezlashishi asosiy tovushdan oktava yuqorida joylashgan tovushni, 3 marta tezlashishi oktavadan yuqorigi kvinta oralig'idagi tovushni, 4 marta tezlashishi esa asosiy tovushdan 2 oktava baland tovushni hosil qiladi. Jismning bir vaqtning o'zida uzunasi bo'ylab va har xil qismlarga bo'linib tebranishi har safar tovushlarning bir xil, ma'lum bir qatorini hosil qiladi, bu tovushlarning hosil bo'lish tartibi quyidagi misol va jadvallarda aniq ko'rsatilgan. Tovushlar orasidagi interval nisbatiga qarab ularni nafaqat *katta oktava do* tovushidan, balki xohlagan bir tovushdan tuzib chiqish mumkin bo'ladi.

Tovushlarning bunday qatori tabiiy tovushqator deb, undagi tovushlar esa, obertonlar deb ataladi.

### Obertonlarning nota yozuvidanagi ifodasi



3-jadval

### Tabiiy tovushqator. Obertonlar

Jismning tebranish shakllari	Jism qism-larining soni	Ularning kasrdagi ifodasi	Jismning tebranish tezligi (sek\marta)	Hosil bo'ladigan obertonlar	Tovushlar orasidagi intervalllar
	1	1/1	64	C	
	2	1/2	128	c	sof 8
	3	1/3	192	g	sof 5

	4	1/4	256	c'	sof 4
	5	1/5	320	e'	kat 3
	6	1/6	384	g'	kich 3
	7	1/7	448	b'	kich 3
	8	1/8	512	c''	kat 2

## 5. Tovushlar engarmonizmi

1. **Engarmonizm** – turlicha nomdagi tovushlarning balandlik jihatdan tengligi.

2. **Engarmonik teng tovushlar** – balandligi bir xil, ammo turlicha nomdagi tovushlar, masalan, *re-diyez-mi-bemol*, *mi-fa-bemol*, *do-bemol-si, fa-diyez- sol-bemol* va h.k.

Tovushlarni yarim ton yuqori ko'tarish va yarim tonga pasaytirish natijasida balandligi bir xil, ammo nomlari boshqacha bo'lgan engarmonik teng tovushlar hosil bo'ladi; bunga fortepianoning qora klavishlari misol bo'la oladi.

Ammo, tovushlarni faqat yarim tonga emas, balki bir tonga ko'tarish va bir tonga pasaytirish ham mumkin. Buning natijasida engarmonizmning yanada keng tizimi va xromatik butun tonlar hosil bo'ladi.

Buni fortepiano klaviaturasining bir oktava bo'lagi tasvirlangan quyidagi chizmadan yaqqol kuzatish mumkin:

Fortepiano klaviaturasining bir oktava bo'lagi

		do # re ↩	re # mi ↩		fa # sol ↩	sol# lyा ↩	lyा # si ↩		
Si	Do # re ↩	do *	re *	mi- #	fa *	sol *	lyा *	Si do ↩	Do

## II BOB NOTA YOZUVI

### 1. Tovush cho'zimlari

#### a) Cho'zimlarning asosiy belgilari

Musiqaviy tovushlarni yozib olishga bo'lgan dastlabki urinishlar juda qadim zamonalarga borib taqaladi.

Antik davrga mansub bir qancha musiqaviy asar yodgorliklariga qaraganda ularda tovush balandliklari harflar bilan belgilangan, ammo ular tovush cho'zimlarini ko'rsata olmaganlar.

Qadimiy Rusda ma'lum bir melodik ahamiyatga ega bo'lgan, kuy tovushlari yo'naliishlarini aks ettiruvchi «kryuklar» deb' ataladigan maxsus belgilar qo'llanilib, ular yordamida kuylar yozib olingan.

G'arbiy Yevropada o'rta asrlarda tovushlarni yozish uchun «nevma»lar (nevma – *yunoncha* «neuma» – mimik harakat, belgi) deb ataladigan alohida belgilar qo'llanilib, ular tovushning aniq balandligini, uning cho'zimini ko'rsatmasdan, faqat melodik chiziqning yo'naliishi haqida tasavvur hosil qilgan, xolos.

Yozuvning bunday turlarini takomillashtirish zarur edi.

Nevmalar bilan yozilgan tovushlar balandligini aniqlash uchun musiqa asboblariga tortilgan torlarni eslatuvchi chiziqlardan foydalanila boshlandi. Dastlab ularning soni noaniq bo'lib (1 dan 18 gacha), ularning har biri aniq balandlik ahamiyatiga ega bo'lmasdan, qaysi tovush yuqori, qaysinisi past ekanligini ko'rsatgan, xolos.

XI asrda Italiyalik musiqa nazariyotchisi Gvido d'Aretssso 4 ta chiziqdan foydalanishni taklif qilib, hozirgi nota yozuviga asos solgan. Har bir chiziqning oldiga uning aniq balandligini belgilovchi harflar qo'yilib, bu harflar asrlar davomida o'z ko'rinishlarini o'zgartib, bizlarga tanish bo'lgan kalitlarga aylanganlar. Ularning nomlarida kelib chiqishiga aloqador bo'lgan ma'lumotlar saqlanib qolgan: C kaliti, F kaliti, G kaliti.

Davr taqozosini bilan nota belgilari ko'rinishlarini o'zgartdilar, 4 ta chiziq yoniga beshinchisi qo'shildi, ammo XI asrda kiritilgan nota yozushi asoslari hozirgi kungacha saqlanib qoldi.

Shunday qilib, musiqaviy asarlarni yozish uchun tovushlarning aniq balandligi va cho'zimlarini, shuningdek, ularning pulsatsiyasi,

ritmi, tempi, dinamikasi va h.k. larni aniq aks ettiruvchi, takomillashgan hozirgi nota yozuvi tizimi ishlab chiqildi.

1. ***Nota yozuvi*** – tarixan yuzaga kelgan, maxsus belgilar (notalar) vositasida tovushlarni yozish tizimi.

2. ***Nota*** – tovushlarni yozish uchun qo'llaniladigan maxsus belgilar.

3. ***Tanbur chizig'i*** – XIX asrda Komil Xorazmiy tomonidan ixtiro qilingan va Xorazm maqomlari to'la yozib olingan tanbur notatsiyasi.

4. ***Nota yo'li*** – yondosh chizilgan beshta parallel chiziq.

5. ***Boshlang'ich chiziq*** – nota yo'lining boshlanish qismida qo'yiladigan, besh chiziqni birlashtiruvchi vertikal chiziq.

6. ***Butun nota*** – oval shaklidagi, ichi bo'yalmagan belgi; eng davomli tovush cho'zimi.

7. ***Brevis*** – ikkita butun nota cho'zimiga teng uzunlikdagi tovush cho'zimi.

8. ***Yarim nota*** – butun notaning yarmiga teng keladigan tovush cho'zimi; ovalning o'ng yoki chap tomonidan tayoqcha (shtil) tushirilgan belgi.

9. ***Chorak nota*** – butun notaning 1/4 qismiga teng bo'lgan tovush cho'zimi, tayoqcha tushirilgan ovalning ichi bo'yalgan shakli.

10. ***Nimchorak yoki sakkiztalik nota*** – butun notaning 1/8 qismiga teng bo'lgan tovush cho'zimi.

11. ***O'n olittalik*** – butun notaning 1/16 qismiga teng bo'lgan tovush cho'zimi.

12. ***Shtil*** – nota belgisining o'ng yoki chap tomonidan, pastga yoki yuqoriga qo'yiladigan – yarim, chorak, nimchorak, o'n olittalik va h.k tovush cho'zimlarini yozishda ishlatiladigan tayoqcha.

13. ***Bayroqchalar*** – nimchorak, o'n olittalik va h.k tovush cho'zimlarini yozishda ishlatiladigan belgi.

### 1-jadval

#### Tovush cho'zimlarining belgilanishi

T/r	Cho'zimning nomi	Yozilishi	Raqam	Nota yozuvidagi ifodasi
1	butun nota	•	1	1 • 2 • • 3 • • •
2	yarim nota	♩ ♪	2	♩ ♩ ♩ ♩ ♩ ♩ ♩
3	chorak nota	♩ ♪	4	♩ ♩ ♩ ♩ ♩ ♩ ♩

4	nimchorak nota		8	
5	o'n oltitalik nota		16	
6	o'ttiz ikkitalik nota		32	

2-jadval

### XI asргача G‘arb davlatlarida qo‘llanilgan tovush cho‘zimlarining hozirgi cho‘zimlarga qiyosiy jadvali

Bu jadvalda qadimda qo‘llanilgan tovush cho‘zimlari ko‘rsatilib, ulardan faqat 2 ta butun nota cho‘zimiga teng bo‘lgan «*brevis*» hozirgi davrdä ayrim musiqa asarlarida uchrab turadi.

T/r	Cho‘zimning nomi	lotincha yozilishi	ma’nosи	belgisi	hozirgi qaysi cho‘zimga muvofiq kelishi
1	maksima	maxima	eng uzun		-
2	longa	longa	uzun		-
3	brevis	brevis	qisqa		2 ta butun notaga
4	semibrevis	semibrevis	breviсning yarmi		butun notaga
5	minima	minima	eng qisqa		yarim notaga
6	semiminima	semiminima	minimaning yarmi		chorak notaga
7	fuza	fuza	bo‘lingan		nimchorak notaga
8	semifuza	semifuza	fuzaning yarmi		o‘n oltitalik notaga

### b) Tovush cho‘zimlarini uzaytiruvchi qo‘shimcha belgilari

1. *Liga* – bir xil balandlikdagi tovush cho‘zimlarini birlashtiruvchi belgi.

2. *Nugta* – tovush cho‘zimini yarim baravar uzaytiruvchi belgi.

3. *Qo‘sh nugta* – tovush cho‘zimini yarim va yana chorak baravar uzaytiruvchi belgi.

4. *Fermata* – tovush cho‘zimini istagancha cho‘zib turish mumkinligini bildiruvchi belgi.

Liga – *lotincha* «ligare» so‘zidan olingan bo‘lib, «bog‘lamoq» ma’nosini beradi.

Ligalar boshqacha ahamiyatga ega bo‘lishi ham mumkin.


Turlich balandlikdagi tovushlar ustidan yoki pastidan qo‘yilgan ligalar eng ko‘p tarqalgan bo‘lib, ijroda tovushlarni bir-biriga bog‘lab chalishni talab etadi.

Shuningdek, motiv, fraza va h.k.lar kabi musiqaviy tuzilmalar chegaralarini ham ligalar bilan ko‘rsatish mumkin.

Fermata – *italyancha* «fermata» so‘zidan olinib, «to‘xtash» ma’nosini beradi.

### 3-jadval

#### Tovush cho‘zimini uzaytirish belgilari

T/r	Uzaytiruvchi belgilari	Vazifasi	Masalan:
1	nuqta	Cho‘zimni yarim baravar uzaytiradi	   
2	qo‘sish nuqta	Cho‘zimni yarim va yana chorak baravar uzaytiradi	  
3	Liga – lotincha ligare – «bog‘lamoq»	bir xil balandlikdagi cho‘zimlarni birlashtiradi	 
4	fermata	Cho‘zimni asar xarakteriga bog‘liq ravishda, istagancha cho‘zilishini bildiradi. (odatda, cho‘zimni yarim baravar uzaytiradi)	  

## 2. Pauzalar

1. **Pauza** – musiqada tovush eshitilishini vaqtincha to‘xtalishi.

2. **Pauza cho‘zimlarining nomlari** – butun, yarim, chorak, nimchorak, o‘n olittalik va h.k pauzalar.

Pauza – yunoncha «pausis» so‘zidan olingan bo‘lib, «tugallash», «to‘xtash» ma’nosini beradi.

Pauza – tovush eshitilishining bir yoki bir necha ovozlarda vaqtincha to‘xtalishidir. Pauzalar musiqaviy tuzilmalarni bir-biridan ajratish, ifoda kuchini yanada oshirish uchun xizmat qiladi va musiqaning asosiy qismlaridan biri hisoblanadi. Pauzalar nota yozuvida alohida belgilar bilan ko‘rsatiladi. Ularning cho‘zimlari asosiy tovush cho‘zimlariga muvofiqdir.

Pauzalar – tovush cho‘zimlari kabi nuqta yoki fermatalar yordamida orttirilishi mumkin, ammo ular ligalar bilan bog‘lanmaydilar.

*4-jadval*


### Pauza belgilari

□	muvofiq pauza	
○	muvofiq pauza	
♩ ♪	muvofiq pauza	
♩ ♩	muvofiq pauza	
♪ ♪	muvofiq pauza	
♪ ♩	muvofiq pauza	


### 3. Tovush balandliklarining yozilishi

#### a) Nota yo‘li va unda tovushlarning joylashuvi

##### 1. *Nota yo‘li* – yondosh chizilgan 5 ta parallel chiziq:



##### 2. *Qo‘srimcha chiziqlar* – nota yo‘lining ustida yoki pastida joylashuvchi, nisbatan baland va past tovushlarni yozishda ishlataladigan chiziqchalar:



## Tovush cho'zimlari va ularning yozilishi

Bu jadvalda tovushlarning nota yo'li chiziqlariga va qo'shimcha chiziqlarga yozish namunalari aks ettirilgan.


T/r	Cho'zimlarning o'rnlari	yozilish	butun nota	yarim nota	chorak nota	nimcho- rak nota	O'n oltitalik nota
1.	chiziqlarga						
2.	chiziqlar oralariga						
3.	5-chiziqning ustiga, 1-chiziqning ostiga						
4.	yuqorigi va pastki 1- yordamchi chiziqa						
5.	yuqorigi 1-yordamchi chiziq ustiga va pastki 1- yordamchi chiziq ostiga						
6.	yuqorigi va pastki 2- yordamchi chiziqa						
7.	yuqorigi 2-yordamchi chiziq ustiga va pastki 2- yordamchi chiziq ostiga						

**b) Kalitlar**

**Kalitlar** – tovushlarning balandliklari va nomlarini aniqlashida nota yo'lining boshiga yoziladigan belgililar.

Birinchi oktavaning sol tovushining o'rmini ko'rsatuvchi *sol* kalitining turlari:

1. *Skripka kaliti* – 2-chiziqqa yoziladi:




2. *Qadimiy fransuz kaliti* – 1-chiziqqa yozilgan, hozirda iste'moldan chiqib ketgan:



Kichik oktavaning *fa* tovushi o'rnini ko'rsatuvchi *fa* kalitining turlari:

1. ***Bas kaliti*** – 4- chiziqqa yoziladi:



2. ***Bariton kaliti*** – *fa* kalitining 3-chiziqqa yozilgan qadimiy turi:



3. ***Bas-profunda kaliti*** – *fa* kalitining 5-chiziqqa yozilgan qadimiy turi:



Birinchi oktavaning *do* tovushining o'rnini ko'rsatuvchi *do* kalitining turlari:


1. ***Soprano kaliti*** – 1-chiziqqa yoziladi:



2. ***Metstso soprano*** – 2-chiziqqa yoziladi:




3. ***Alt kaliti*** – 3-chiziqqa yoziladi. Simfonik orkestrning torlikamyonli asboblar guruhidagi alt partiysi odatda shu kalitga yoziladi:



4. ***Tenor kaliti*** – 4-chiziqqa yoziladi. Simfonik orkestrning torlikamyonli asboblar guruhidagi violonchel va puflama asboblar guruhidagi fagot va trombon partiysalarida uchraydi:



5. ***Bariton kaliti*** – 5-chiziqqa yoziladi:



#### 4. Ikki ovozli va ko'p ovozli musiqa asarlarining yozilishi

1. **Akkolada** – nota yo'llarini birlashtiruvchi yoy shaklidagi qavs:



2. **Partitura** – bir nechta yoki ko'pchilik musiqa asboblari va ashulachilik ovozlari uchun yoziladigan (orkestrlar va xorlar uchun) nota yozuvi:



3. **Orkestr** – sozandalarning guruh-guruh bo'lib joylashadigan jamoasi:

Flute I  
Pan (Ctrl10 64)  
pp


Flute II  
Pan (Ctrl10 96)  
pp

Clarinet I  
Pan (Ctrl10 80)  
pp

Clarinet II  
Eng Horn  
Bassoon  
Fr. Horn  
Pan (Ctrl10 112)  
Pan (Ctrl10 32)  
pp

БОЛЕДА  
Б4629  
Тем. Гос. "Чесноков"

**4. *Xor* – xonandalar jamoasi:**



- a) **Soprano** – xotin-qizlarning baland ovozi.
- b) **Alt** – xotin-qizlarning past ovozi.
- c) **Tenor** – erkaklarning baland ovozi.
- d) **Bas** – erkaklarning past ovozi.

**5. *Vokal musiqasi* – ovoz, vokal ansamblari va xor jamoalari uchun yozilgan musiqa asarlari:**

**6. *Cholg'u musiqasi*** – musiqa asbobi, har xil cholg'u ansamblari va orkestrlar uchun yoziladigan musiqa asarlari.

**7. *Al t-*** kamoncha bilan chalinadigan skripka shaklidagi torli musiqa asbobi.

**8. *Violonchel*** – skripka turiga kiraadigan torli-kamonchali musiqa asbobi.

**9. *Fagot*** – yog'ochdan yasalgan, puflama cholg'u asbobi.

**10. *Trombon*** – mundshtukli, puflama, misdan yasalgan musiqa asbobi.

**11. *Arfa*** – uchburchak shaklidagi torli-tirnama cholg'u asbobi.

**12. *Organ*** – havo yordamida chalinadigan, klavishli yirik cholg'u asbobi.

**13. *Fortepiano*** – urib chalinadigan klavishli asbob.

**14. *Torli kvartet*** – ikkita skripka, alt va violonchel asboblari ijrochilaridan iborat jamoa:

Musical score for strings (Violin I, Violin II, Viola, Cello) in common time. The score shows three measures. Measures 1 and 2 consist of rests. Measure 3 begins with a dynamic marking 'fff' and consists of eighth-note patterns.

## 5. Nota yozuvini qisqartish va soddalashtirish belgilari

*Abbreviatura* – nota yozuvini qisqartirish va qulaylashtirish belgilari.

1. *Repriza* – takrorlash belgisi:

Two staves of musical notation in common time. The first staff shows a repeating pattern of eighth notes. The second staff shows a similar pattern, indicating a repeat of the first staff's pattern.

2. *Volta* – musiqa asarini takrorlashda tashlab ketiladigan qismi:

Musical score showing two endings, labeled 1. and 2., connected by a brace. Both endings show eighth-note patterns in common time.

3. *Da capo al fine* – III qismli asarlarning I qismini takrorlashda ishlataladigan belgi.

4. *Segno* – takrorlash belgisi.

Two staves of musical notation in common time. The first staff shows a repeating pattern of eighth notes. The second staff shows a similar pattern, ending with a double bar line and repeat dots, indicating a repeat of the first staff's pattern.

5. *x belgisi* – biron-bir taktni yoki melodik-ritmik shaklni ko‘p marta takrorlashda ishlataladigan belgi.

yozilishi

ijro qilinishi

Two pairs of musical staves in common time. The top pair shows eighth-note patterns labeled 'yozilishi' and 'ijro qilinishi'. The bottom pair shows eighth-note patterns labeled 'yozilishi' and 'ijro qilinishi'.

6. **Tremolo** – 2 ta tovushning, intervalning yoki akkordning navbatma-navbat, tez-tez takrorlanishi:



7. **Con oktava** – biron-bir ovozning oktavada juftlab ijro qilinishi:  
yozilishi ijro etilishi

The musical example consists of two measures. The first measure starts with a quarter note followed by an eighth-note pattern: eighth-note, sixteenth-note, eighth-note, sixteenth-note. This pattern repeats three more times. The second measure starts with a quarter note followed by an eighth-note pattern: eighth-note, sixteenth-note, eighth-note, sixteenth-note. Below the staff, there are four '8' symbols under the first four notes of the first measure, and the word 'ijro' above the first note of the second measure.


### III BOB

#### METR VA RITM

##### 1. Tovush cho'zimlarining asosiy (juft) bo'linishi

1-jadval

*Tovush cho'zimlarining juft bo'linishi* – eng katta uzunlikdagi tovush cho'zimini va uning bo'laklarini teng ikki qismga bo'linish tartibi.



Musiqa juda qadim zamonalardan beri harakat bilan chambarchas bog'liq bo'lib keldi. Harakatga (nafas olish, yurish, raqs, mehnat jarayonlari) xos bo'lgan uzlusizlik (bir tekislilik) musiqaga ham katta ta'sir o'tkazib, uning eshitilishida muhim rol o'yaydi. Ma'lum bir vaqt davomida rivojlanib turuvchi musiqaning asosini kuchli va kuchsiz vaqt hissalarining bir tekis almashinib turishi tashkil etadi. Vaqtning kuchli hissalariga to'g'ri keladigan tovushlar boshqa tovushlarga qaraganda ajralib, kuchliroq eshitiladi. Tovushning bunday ajralib eshitilishiga zarb (aktsent) deyiladi.

Shunday qilib, musiqada zarb tushadigan va zarb tushmaydigan tovushlarning uzlusiz ravishda almashinib turishi ro'y beradi.

1. *Kuchli hissa* – zarb tushadigan hissa.
2. *Kuchsiz hissa* – zarb tushmaydigan hissa.
3. *Metr* – kuchli va kuchsiz hissalarining bir tekisda takrorlanib turishi.

4. **Takt** – musiqa asarining bir kuchli hissadan, navbatdagi kuchli hissasigacha bo‘lgan oralig‘i.

5. **Zatakt** (taktoldi) – kuchsiz hissadan boshlangan, to‘liq bo‘limgan takt.

6. **O‘lchov** – metr hissalarining ma’lum bir cho‘zimda ifodalanishi.

Takt chiziqlari nota yozuvida XVI asrning oxirlaridan, dunyoviy cholg‘u musiqasining rivojlanma boshlagan davrida paydo bo‘lgan. Shu davrgacha vokal musiqasi katta o‘rinni egallab, undagi zarblar qo‘sish matniga bog‘liq bo‘lgan va ularni maxsus bir usul bilan ajratib ko‘rsatish unchalik ham zarur bo‘limgan.

## 2. Tovush cho‘zimlarining erkin ravishda bo‘linishi

Tovush cho‘zimlarining erkin bo‘linishidan quyidagi ritmik guruhlar hosil bo‘ladi:

1. **Triol** – asosiy tovush cho‘zimining 2 ta teng qismga bo‘linishining o‘rniga 3 qismga bo‘linishidan hosil bo‘ladigan ritmik guruh.

2. **Kvintol, sekstol, septol, novemol** – asosiy tovush cho‘zimini 4 ta teng qism o‘rniga – 5, 6, 7, 9 qismga bo‘linishidan hosil bo‘ladigan ritmik guruh.

3. **Duol** – yoniga nuqta qo‘yilgan notaning teng 3 qism o‘rniga 2 qismga bo‘linishi.

4. **Kvartol** – yoniga nuqta qo‘yilgan notaning teng 3 qism o‘rniga 4 qismga bo‘linishi.

2-jadval

Tovush cho‘zimlarining juft va erkin bo‘linishining qiyosiy jadvali

T/r	Cho‘zimlarning bo‘linishi	Juft	Erkin bo‘linishi	Hosil bo‘ladigan ritmik shakllar
1	$\textcircled{1} = \textcircled{2} \quad \textcircled{3}$ $\textcircled{4} = \textcircled{5} \quad \textcircled{6}$ $\textcircled{7} = \overline{\textcircled{8} \textcircled{9}}$ $\textcircled{10} = \overline{\textcircled{11} \textcircled{12}}$ $\textcircled{13} = \overline{\textcircled{14} \textcircled{15}}$	$\textcircled{1} = \overline{\textcircled{2} \textcircled{3} \textcircled{4}}$ $\textcircled{5} = \overline{\textcircled{6} \textcircled{7} \textcircled{8}}$ $\textcircled{9} = \overline{\textcircled{10} \textcircled{11} \textcircled{12}}$ $\textcircled{14} = \overline{\textcircled{15} \textcircled{13}}$ $\textcircled{16} = \overline{\textcircled{17} \textcircled{18}}$		triollar

2	$\text{o} = \begin{array}{c} \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \end{array}$	$\text{o} = \begin{array}{c} \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \end{array}$	kvintollar
3	$\text{o} = \begin{array}{c} \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \end{array}$	$\text{o} = \begin{array}{c} \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \end{array}$	septollar
4	$\text{o} = \begin{array}{c} \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \end{array}$	$\text{o} = \begin{array}{c} \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \end{array}$	sekstollar
5	$\text{o} = \begin{array}{c} \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \end{array}$	$\text{o} = \begin{array}{c} \text{j} \\ \text{j} \end{array}$	duollar
6	$\text{o} = \begin{array}{c} \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \end{array}$	$\text{o} = \begin{array}{c} \text{j} \\ \text{j} \\ \text{j} \end{array}$	kvartollar

### 3. Oddiy metr va o'lchovlar

1. **Illi hissali o'lchovlar** – zarblari har bir hissadan keyin takrorlanib turuvchi o'lchov.

2. **Uch hissali o'lchovlar** – zarblari har ikki hissadan keyin takrorlanib turuvchi o'lchovlar




3. **Oddiy o'lchovlar** – bitta zarbga ega bo'lgan illi va uch hissali o'lchovlar.

4. **Alla breve** – har bir hissasi yarimtalik nota cho'zimiga teng illi hissali o'lchov.

3-jadval

#### Oddiy o'lchovlar

Hissalar soni	O'lchovlarning turlari	Ko'rinishi
illi hissali o'lchovlar	2/2 (alla breve) 2/4	$\begin{array}{cccc} \text{j} & \text{j} & \text{j} & \text{j} \\ \text{j} & \text{j} & \text{j} & \text{j} \end{array}$

uch hissali o'lchovlar	3/2		
	3/4		
	3/8		
	3/16		






#### 4. Murakkab metr va o'lchovlar

1. **Murakkab metrlar** – bir xildagi oddiy metrlarning qo'shilishi natijasida hosil bo'lgan metrlar.

2. **Nisbiy kuchli hissa** – murakkab o'lchovlardagi birinchi hissadan boshqa kuchliroq hissalar.

4-jadval

#### Murakkab o'lchovlar

Hissalar soni	O'lchovlarning turlari	Ko'rinishi
to'rt hissali o'lchovlar	4/4 yoki C 4/8	 
olti hissali o'lchovlar	6/4 6/8	 
to'qqiz hissali o'lchovlar	9/8	 
o'n ikki hissali o'lchovlar	12/8	 

#### 5. Aralash o'lchovlar

**Aralash o'lchovlar** – har xil oddiy o'lchovlarni qo'shilishi natijasida hosil bo'ladigan o'lchovlar.

5-jadval

Hissalar soni	O'lchovlarning turlari	Ko'rinishi
besh hissali	5/4	yoki

o'lchovlar		$\frac{5}{8}$	$\begin{array}{ccccccccc} \overset{\circ}{\text{j}} & \overset{\circ}{\text{j}} \\ \overset{\circ}{\text{j}} & \overset{\circ}{\text{j}} \end{array}$
yetti hissali o'lchovlar		$\frac{7}{4}$ $\frac{7}{8}$	$\begin{array}{ccccccccc} & & & & & & \text{yoki} & & \\ \overset{\circ}{\text{j}} & \overset{\circ}{\text{j}} \\ \overset{\circ}{\text{j}} & \overset{\circ}{\text{j}} \end{array}$

## 6. O'zgaruvchan o'lchovlar

1. **O'zgaruvchan o'lchovlar** – musiqa asari davomida o'lchovlarning o'zgarib kelib turishi.
2. **Polimetriya** – musiqa asarining bir vaqtning o'zida har xil o'lchovlarda yangrashi.

## 7. Ritm

**Ritm** – musiqada tovush cho'zimlarining ma'lum bir ritmik shakllar asosida almashinib turishi.

Ritm yunoncha «ritmos» so'zidan olingan bo'lib, «oqim» ma'nosini beradi.

Masalan:

The image shows three staves of musical notation. The top staff is in G major (one sharp) and has a tempo marking 'Kuy'. It consists of a continuous eighth-note pattern. The middle staff is in 6/8 time and is labeled 'Ritm', showing a repeating sixteenth-note pattern. The bottom staff is also in 6/8 time and is labeled 'Metr', showing a repeating eighth-note pattern. Vertical bar lines divide the measures in both the 'Ritm' and 'Metr' staves.

Keng ma'nodagi ritm esa ma'lum bir vaqt jarayonida kechadigan harakatning har qanday almashinib turishini bildiradi, masalan, yil fasllarining almashinib turish ritmi, mehnat jarayonlari ritmlari va h.k.

## 8. Sinkopa

1. **Sinkopa** – ritm va metr zarblarining bir-biriga to'g'ri kelmay qolishi.
2. **Takt ichidagi sinkopalar** – bir taktning o'zida kuchsiz va kuchli hissalarining bir-biriga qo'shilib kelishi.

**3. Taktaro sinkopalar** – taktning oxirgi kuchsiz hissasini navbatdag'i taktning kuchli hissasiga qo'shilib kelishi.

### Sinkopalarning turlari

**1. Takt ichidagi sinkopalar** – kuchsiz hissadagi tovushning navbatdag'i kuchli hissada ham davom etishi natijasida hosil bo'ladi, masalan:


o'rniga  
o'rniga                    yoki  
o'rniga                    yoki  
o'rniga                    yoki

**2. Taktaro sinkopalar** – taktning oxirgi kuchsiz hissasidagi tovushning navbatdag'i taktning kuchli hissasida ham davom etishi natijasida hosil bo'ladi, masalan:

o'rniga  
o'rniga  
o'rniga

**3. Pauzali sinkopalar** – kuchli yoki nisbiy kuchli hissadagi tovush o'rniga pauzaning paydo bo'lishi natijasida hosil bo'ladi, masalan:

o'rniga                    o'rniga



#### **4. Kombinatsiyalashgan sinkopalar:**


a) Takt aro sinkopalarning takt ichidagi sinkopalar bilan qo'shilishi natijasida hosil bo'ladi, masalan:



b) pauzali sinkopa bilan takt aro yoki takt ichidagi sinkopalarni qo'shilishi natijasida hosil bo'ladi, masalan:



**5. Ligali sinkopalar** – liga kuchsiz hissadagi tovushni kuchli hissada ham davom ettirsagina sinkopa hosil qila oladi, masalan:



#### **9. Cho'zimlarni guruhlash**

##### **Oddiy o'Ichovlar**

1. Taktning har bir hissasi alohida turkumlanadi, masalan:



2. Cho'zimi butun bir taktni egallagan tovush ligasiz, bir nota bilan yoziladi, masalan:

o'rniga                            o'rniga

3. Agar tovush metr hissasini boshlab beradigan bo'lsa nuqta bilan yoziladi; masalan:

o'rniga                            o'rniga                            o'rniga

4. Agar tovush cho'zimi metrning turlicha hissalarini o'z ichiga olgan bo'lsa, liga bilan yoziladi, masalan:

o'rniga                            o'rniga

5. Tovush cho'zimlari qanday guruhlansa, pauzalar ham shunday guruhlanadi, ammo pauza cho'zimlariga liga qo'yilmaydi, masalan:

### Murakkab o'Ichovlar

Murakkab o'Ichov tarkibida qancha oddiy o'Ichov bo'lsa, har bir taktda cho'zimlarning shuncha guruhi hosil qilinadi, masalan:

$$6/8 = (3/8+3/8)$$

$$5/8 = (3/8+2/8)$$

## Vokal musiqa sida cho'zimlarning guruhanishi

1) Agar matnning har bir bo'g'iniga kuyning bitta tovushi to'g'ri kelsa, har bir cho'zim guruhanmasdan, ayrim-ayrim yoziladi, masalan:



Do, re, mi, fa, sol, lya, si Mak-tab pi - a- ni- no - si

2) Agar matnning bitta bo'g'iniga kuyning bir necha tovushi to'g'ri kelsa, bu tovushlar guruhash qoidalari asosida yoziladi:



## 10. Temp. Agogika. Dinamika

### 1. Temp. Metronom

**Temp** – musiqa asarini ijro qilish sur'ati, tezligi.

### Templarning asosiy guruhlari Vazmin templar

1. **Largo** – keng.
2. **Lento** – cho'zib.
3. **Adagio** – og'ir.
4. **Crave** – juda og'ir.

### O'rtacha templar

1. **Andante** – osoyishta, oshiqmasdan.
2. **Andantino** – andantedan sal tezlatib.
3. **Moderato** – o'rtacha.
4. **Sostenuto** – salobatli.
5. **Allegretto** – jonlanib.
6. **Allegro moderato** – o'rtacha tez.

## Tez templar

1. **Allegro** – tez.
2. **Vivo** – jonliroq.
3. **Vivace** – jadal.
4. **Presto** – tez, oshiqib.
5. **Prestissimo** – juda tez.

**Asosiy templardan chetlashilganda harakat yo‘nalmasini aniqlovchi ayrim qo‘shimcha iboralar**

1. **Molto** – juda.
2. **Assai** – nihoyat.
3. **Con moto** – harakat bilan.
4. **Sommodo** – erkin.
5. **Non troppo** – unchalik tez emas.
6. **Non tanto** – u qadar sekin emas.
7. **Sempre** – doimo.
8. **Meno mosso** – kamroq harakat bilan.
9. **Piu mosso** – ko‘proq harakat bilan.


### a) Susaytirish uchun:

1. **Ritenuto** – saqlanibroq.
2. **Ritardando** – kechikibroq.
3. **Allargando** – kengaytirib.
4. **Rallentando** – sekinlatib.

### b) Tezlatish uchun:

1. **Accelerando** – yanada tezlatib.
2. **Animando** – ruhlantirib.
3. **Stringendo** – jadalroq.
4. **Stretto** – ixchamlashtirib.
5. **A tempo** – o‘z tempida.
6. **Tempo primo** – dastlabki sur’atda.
7. **Tempo I** – o‘sma sur’atda.

**Metronom** – templarni aniq belgilash va o‘lchash uchun qo‘llaniladigan maxsus asbob.



Metronom – Venalik mexanik usta Meltsel tomonidan 1816-yilda takomillashtirilgan; shuning uchun ham u Meltsel metronomi deb ataladi va yozuvda M. M. harflari bilan belgilanadi, masalan, M. M. ♩ =80. Bunda bir daqiqa davomida 80 ta choraktalik hisobiga to‘g‘ri keladigan tovush cho‘zimlarini chalish ko‘zda tutiladi.

*Agogika* – muallif tomonidan ko‘rsatilgan qat’iy temp ko‘rsatkichlaridan chetlashish.

Shuni ta’kidlash lozimki, metronom musiqa asarining dastlabki, boshlang‘ich tempini aniqlash uchun xizmat qiladi, xolos. Biroq, musiqa asarini boshidan oxirigacha «metronom bo‘yicha» ijro etish hech qachon tavsiya etilmaydi; chunki musiqa san’ati yuzaki tarzdagi, aniq metrik bir maromlilikni o‘ziga singdirolmaydi.

Musiqa odam nutqiga yaqinlashib, ifodali tarzda jaranglashi uchun ijrochilar undagi davomli tovushlarni yana ham cho‘zibroq, nisbatan maydarоq tovushlarni esa yanada tezroq ijro qiladilar, nota matnida ko‘rsatilmagan bo‘lishiga qaramasdan, fazalar yoki motivlar orasida «havo pauzalari» qiladilar.

Qat’iy temp ko‘rsatkichlaridan bunday tarzdagi agogik chetlashuvlar, odatda, keyingi ijrodagi qarama-qarshi chetlashuvlar bilan tekislanadi, masalan, tezlashuvdan keyingi sekinlashuv va aksincha.

## 2. *Dinamika* – musiqada tovush eshitilishining turli darajalari

### a) Muttasil kuchlilik darajasi

1. *Fortissimo - ff* – juda kuchli.
2. *Forte - f* – kuchli.

3. **Mezzo-forte - mf** – o‘rtacha kuchli.
4. **Pianissimo - pp** – juda past.
5. **Piano - p** – past.
6. **Mezzo piano -mp** – o‘rtacha past.

**b) Muttasil o‘zgaruvchan kuchlilik**

1. **Crescendo** – kuchaytirish belgisi.
2. **Poco a poco crescendo** – sekin-asta kuchaytirib.
3. **Diminuendo** – pasaya borish belgisi.
4. **Poco a poco diminuendo** – sekin-asta pasayish.
5. **Smorzando** – tina boshlash.
6. **Morendo** – tina boshlash.

**d) Kuchlilik darajasini o‘zgartirish uchun**

1. **Piu forte** – yana kuchli.
2. **Meno forte** – sal kuchli.
3. **Sforzando - sf** – ayrim tovushlarning keskin zarbi.

**3. Ijro uslubini belgilovchi terminlar**

1. **Artikulyatsiya** – (lotincha «articulatio» so‘zidan olinib, «bo‘laman», «qismlarga bo‘lib talaffuz qilaman» ma’nolarini anglatadi) tovushlarni bir-biriga bog‘lab yoki ayrim-ayrim ijro qilish bilan belgilanadigan tovush hosil qilish usullari.

2. **Legato** – (italyancha «legare» so‘zidan olinib, «bog‘lamoq» ma’nosini beradi) tovushlarni bir-biriga bog‘lab, qo‘shib ijro qilish.

Masalan:

P. Chaykovskiy. «Qadimiy fransuz qo‘shtig‘i»

3. ***Stakkato*** – (italyancha «staccare» so‘zidan olinib, «uzish», «bo‘lish» ma’nolarini beradi) tovushlarni uzib-uzib, qisqa ijro qilish.

Masalan:

*Allegro*

V. Mozart. "Volinka"

4. ***Markato*** – (italyancha «markare» so‘zidan olinib, «ta’kidlash», «ajratish» ma’nolarini beradi) har bir tovushni alohida ta’kidlab ijro qilish.

5. ***Portamento*** – (italyancha «portare» so‘zidan olinib, «ko’tarish», «ko’tarib olish» ma’nolarini beradi) fortepiano musiqasida qo’llaniladigan «cho‘ziq stakkato»ning alohida turi.

6. ***Spikkato*** – (italyancha «spiccare» so‘zidan olinib, «yaqqol ajratish, ta’kidlash» ma’nolarini beradi) torli asbōblar musiqasida uchraydigan «o’tkir stakkato»ning alohida turi.

#### 4. Ijro xarakterini belgilovchi terminlar

italyancha terminlar	talaffuzi	ruscha ma’nosı	o’zbekcha ma’nosı
abbandonamento	abbandonamente	непринужденно	erkin, bemałol
accarezzevole	akkaretstsevole	ласково	erkalab
affettuoso	affettuso	сердечно	yurakdan
agitato	adjitato	возбужденно	to‘lqinlanib
alla marcia	allya marchya	в духе марша	marsh ruhida
amabile	amabile	ласково	erkalab
amoroso	ainorozo	любовно	mehr bilan
animato	animato	воодушевленно, взволнованно	zavq-shavq bilan
appassionato	appassyonato	страстно	chtiros bilan
ardente	ardente	с жаром	harorat bilan
brillante	brillyante	блестяще	o’rinlatib, do’ndirib
buffo	buffo	комически	kulgili
cantabile	kantabile	невуче	ohangdor, yoqimli
capriccioso	kaprichchozo	капризно	injiqlik bilan
con amore	kon amore	с любовью	mehr-muhabbat bilan

con anima	kon anima	с воодушевлением, с чувством	zavq-shavq, his-tuyg' u bilan
con bravura	kon bravura	блестяще	qoyilmaqom
con brio	kon brio	с жаром	harorat bilan
con dolore	kon dolore	с грустью	g'amginlik bilan
con dolcezza	kon dolchetstsa	нежно, мягко	mayin, yumshoq
con espressione	kon espressyone	с выражением	ifodali
con forza	kon fortsa	с силой	kuch bilan
con fuoko	kon fuoko	с огнем	o't bilan
con grazia	kon gratsya	с грацией	latofat bilan
con malinconia	kon malinkonia	меланхолично	ma'yuslik bilan
con moto	kon moto	подвижно	harakatchan
con passione	kon passyone	со страстью	ehtiros bilan
con spirito	kon spirito	с воодушевлением	jo'shqinlik bilan
con tenerezza	kon teneretstsa	с нежностью	mayinlik bilan
con vigore	kon vigore	бодро, энергично	tetik, kuch-g'ayrat bilan
desizo	dechizo	решительно	dadil
dolce	dolche	мягко, нежно	yumshoq, mayin
dolcissimo	dolchissimo	очень мягко, очень нежно	juda yumshoq, juda mayin
dolente	dolente	грустно, жалобно	g'amgin, hasratlanib
doloroso	dolorozo	грустно, жалобно	g'amgin, hasratlanib
elegante	elegante	изящно, красиво	nafis, go'zal
elegiako	eledjako	жалобно, грустно	g'amgin, hasratlanib
energiko	enerdjiko	энергично	tetik, bardam
eroico	eroiko	героически	qahramonona
espressivo	espressivo	выразительно	ifodalii
feroce	feroche	дико, свирепо	yovvoyilarcha, darg'azab
festivo	festivo	празднично	bayramona
fiero	fero	дико	darg'azab
flebile	flebile	жалобно	hasrat bilan
fresco	fresko	свежо	tiniq, toza
funebre	funebre	похоронно	motamsaro
furioso	furyozo	бешено	quturib
giocoso	djokozo	шутливо, игриво	hazilchan, o'yinqaroq
gioioso	djoyozo	радостно, весело	sho'x, qunnoq
grandioso	grandiozo	пышно, великолепно	hashamatli, dabdaba bilan
grazioso	gratsyozo	грациозно	nazokat bilan, xirom bilan
guerrero	guerero	воинственно	harbiycha
imperioso	imperyozo	повелительно	buyruqnamo
impetuoso	impetuozo	стремительно, бурно	shitob bilan, hayqirib
innocente	innochente	невинно, просто	mas'um, oddiy
lagrimoso	lagrimozo	скорбно, печально	g'am-qayg' u bilan
languido	languido	с изнеможением, бессильно	lohaslik bilan, kuchsiz
lamentabile	lamentabile	жалобно	yolvorib
leggiero	ledjero	легко	yengil
leggierissimo	ledjerissimo	очень легко	juda yengil
lugubre	lyugubre	мрачно	g'amgin
lusingando	lyuzingando	льстиво, вкрадчиво	sezdirmasdan, silligina
maestoso	maestozo	торжественно, величаво	tantanavor, ulug' vor
malinconilo	malinkoniko	меланхолично	ma'yus

markato	markato	подчеркивая	ta'kidlab
marciade	marchyale	маршебразно	marshona
mesto	mesto	печально	g'am-qayg'u bilan
morendo	morendo	замирая	pasayib, so'nib
parlando	parlyando	говоря	g'o'ng'ir-g'o'ng'ir
pastorale	pastoralé	пастушески	cho'poncha
patetiko	patetiko	страстно	ehtiros bilan
pesante	pezante	грузно, тяжеловесно	og'ir, og'irlilik bilan
piangendo	pyandjendo	жалобно	yolborib
pomposo	pompozo	великолепно, с блеском	o'rinnlatib, goyillatib
quieto	kieto	спокойно	osoyishta
recitanto	rechitanto	рассказывая	hikoyanamo
religioso	relidjozo	благовенно	e'zoz-ehtirom bilan
rigoroso	rigorozo	строго, точно	qat'iy, aniq
risoluto	rizolyuto	решительно	dadil
rubato	rubato	свободное исполнение	erkin ijro
rustiko	rustiko	в сельском духе	qishloq ruhida
scherzando	skertsando	шутливо	hazilnamo
scherzoso	skertsozo	шутливо	hazilnamo
semplice	sempliche	просто	oddiy
sensibile	sensibile	чувствительно	sezgirlik bilan
serioso	serozo	серъезно	jiddiy
soave	soave	приветливо	xushmuomalalik bilan
soavemente	soavemente	приветливо	xushmuomalalik bilan
onore	sonore	звучно	ohangdor
spianato	spyanato	просто, естественно	oddiy, tabiiy
spirituoso	spirituozo	одухотворенно, одушевленно	ilhomlanib, jo'shqin
strepitoso	strepitozo	шумно, бурно	shovqin-suron bilan
teneramente	teneramente	нежно	mayin
tranquillo	trankuillyo	спокойно	tinch-osoyishta
vigoroso	vigorozo	сильно, болро	kuchli, tetik

## IV BOB INTERVALLAR

## 1. Oddiy intervallar

1. **Interval** – musiqada ikkita tovushning balandlik bo'yicha nisbati.
  2. **Melodik interval** – birin-ketin eshitilgan ikkita tovush oralig'i.
  3. **Garmonik interval** – bir vaqtda eshitilgan ikkita tovush oralig'i.
  4. **Intervalning asosi** – intervalning pastki tovushi.
  5. **Intervalning cho'qqisi** – intervalning yuqorigi tovushi.

- 6. Oddiy intervallar** – bir oktava oralig‘idan oshmaydigan intervallar.  
**7. Oddiy intervallarning nomlari:**

## **Prima – 1, birinchi**

## **Sekunda – 2, ikkinchi**

### **Tertsiva – 3. uchinchi**

Kvarta - 3, to 'rtinchi

#### **Kvinta - 5. beshinchı**

### **Seksta - 6. oltinchi**

**Sentima = 7, vettinchi**

### Oktava - 8, sakkizinchi

### a) Intervalllarning pog'ona (son) miqdori

*Intervalning pog'ona (son) miqdori* – interval tarkibiga kiruvchi pog'onalari soni

## b) Intervallarning tonlar (sifat) miqdori

- Intervalning tonlar (sifat) miqdori* – interval tarkibidagi ton va yarim tonlar miqdori.
- Intervalning tonlar (sifat) miqdorini belgilash uchun ishlataladigan so'zlar* – kichik, katta, sof, orttirilgan, kamaytirilgan.
- Unison* – bir xil balandlikdagi tovushni ikki yoki bir necha ovoz bilan bir vaqtda eshitilishi.
- Uchtonlik* – qulqoqa keskin eshitiladigan, tonlar miqdori 3 tonga teng bo'lgan orttirilgan kvarta va kamaytirilgan kvinta intervallari.
- Diatonik intervallar* – tabiiy major va tabiiy minorning pog'onalarini orasida hosil bo'lgan intervallar.

sof.1      kich.2      kat.2      kich.3      kat.3      sof.4      ort.4  
kam.5      sof.5      kich.6      kat.6      kich.7      kat.7      sof.8

*I-jadval*

Oddiy (diatonik) intervallar

T/r	intervallarning nomlari	pog'ona soni	tonlar miqdori	qisqacha belgisi
1.	sof prima	1	0	sof 1
2.	kichik sekunda	2	0,5	kich 2
3.	katta sekunda	2	1	kat 2
4.	kichik tertsiya	3	1,5	kich 3
5.	katta tertsiya	3	2	kat 3
6.	sof kvarta	4	2,5	sof 4
7.	orttirilgan kvarta	4	3	ort 4
8.	kamaytirilgan kvinta	5	3	kam 5
9.	sof kvinta	5	3,5	sof 5
10.	kichik seksta	6	4	kich 6
11.	katta seksta	6	4,5	kat 6
12.	kichik septima	7	5	kich 7
13.	katta septima	7	5,5	kat 7
14.	sof oktava	8	6	sof 8

## 2. Orttirilgan va kamaytirilgan intervallar

- Orttirilgan intervallar* – sof va katta intervallarni xromatik 0,5 tonga orttirish natijasida hosil bo'lgan intervallar.

b) Tovush cho'zimlarini uzaytiruvchi qo'shimcha belgilar-----	12
2. Pauzalar -----	13
3. Tovush balandliklarining yozilishi-----	14
a) Nota yo'li va unda tovushlarning joylashuvi-----	14
b) Kalitlar-----	15
4. Ikki ovozli va ko'p ovozli musiqa asarlarining yozilishi-----	17
5. Nota yozuvini qisqartirish va soddalashtirish belgilari-----	19
 <b>III BOB.</b> Metr va ritm-----	21
1. Tovush cho'zimlarining asosiy (juft) bo'linishi -----	21
2. Tovush cho'zimlarining erkin ravishda bo'linishi-----	22
3. Oddiy metr va o'lchovlar-----	23
4. Murakkab metr va o'lchovlar-----	24
5. Aralash o'lchovlar-----	24
6. O'zgaruvchan o'lchovlar-----	25
7. Ritm-----	25
8. Sinkopa-----	25
9. Cho'zimlarni guruhash-----	27
10. Temp. Agogika. Dinamika-----	29
 <b>IV BOB.</b> Intervallar-----	36
1. Oddiy intervallar-----	36
2. Orttirilgan va kamaytirilgan intervallar-----	37
3. Tarkibli intervallar-----	38
4. Intervallarning aylanishi-----	39
5. Konsonans va dissonans intervallar-----	39
6. Intervallar engarmonizmi-----	40
 <b>V BOB.</b> Lad va tonalliklar-----	41
1. Major ladi -----	41
2. Diyezli major tonalliklari-----	43
3. Bemolli major tonalliklari-----	43
4. Garmonik va melodik major-----	44

5. Minor ladi -----	44
6. Parallel tonalliklar-----	47
7. Nomdosh major va minor tonalliklari-----	49
 <b>VI BOB.</b> Major va minor intervallari-----	50
1. Tabiiy major va tabiiy minor intervallari-----	50
2. Garmonik minor va garmonik majorning xarakterli intervallari-----	51
3. Dissonans intervallarning yechilishi-----	52
 <b>VII BOB.</b> Akkordlar-----	54
1. Uchtovushliklari-----	54
2. Uchtovushliklarning aylanmalar-----	54
3. Major va minorning asosiy uchtovushliklari-----	55
4. Major va minorning yondosh uchtovushliklari-----	56
5. Asosiy uchtovushliklarning oddiy qo'shilmalar-----	57
6. Septakkordlar-----	57
7. Dominantseptakkord-----	58
8. Yetakchi septakkordlar-----	59
 <b>VIII BOB.</b> Xalq musiqasi ladlari-----	63
1. Tetraxordlar-----	63
2. Pentatonika-----	64
3. O'zgaruvchan ladlar-----	65
 <b>IX BOB.</b> Transpozitsiya-----	67
 <b>X BOB.</b> Xromatizm va alteratsiya-----	68
Xromatik gamma-----	68
 <b>XI BOB.</b> Modulyatsiya va og'ishma-----	70
 <b>XII BOB.</b> Kuy-----	71
1. Kuy harakatining yo'nalmasi-----	71
2. Kuyning metro-ritmik va sintaksis tuzilishi-----	72
3. Dinamik iboralar-----	74
 <b>XIII BOB.</b> Melizmlar-----	75
 <b>ADABIYOTLAR</b> -----	78

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Қ.РАҲИМОВ**

**МУСИҚАНИНГ ЭЛЕМЕНТАР  
НАЗАРИЯСИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган*

**«MUSIQA» нашриёти  
Тошкент  
2007**

## Тақризчилар:

**Достов С.Д.** – Бухоро Давлат университети “Мусиқа назарияси ва халқ чолғу асбоблари” кафедраси мудири, п.ф.н., доцент

**Тўраев Ф.Ж.** – “Анъанавий мусиқа” кафедраси мудири, п.ф.н., доцент

Мазкур кўлланмада «Мусиқанинг элементар назарияси» курси бўйича барча асосий таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳлари келтирилиб, ҳар бир тушунча мисоллар ва жадваллар воситасида атрофлича тушунтирилиб берилган.

Қатъий буюртма

ISBN 978-9943-307-19-3

© Ўзбекистон давлат консерваториясининг  
«Мусиқа» нашриёти, 2007 й.

# I БОБ ТОВУШЛАРНИНГ НОМЛАРИ ВА ЁЗИЛИШИ

## 1. Товушларнинг номлари

1. *Мусиқавий товуши* – аниқ баландликга эга бўлган товушлар.

Масалан: мусика асбобларининг товушлари, одам овози.

2. *Шовқинли товуши* – аниқ баландликга эга бўлмаган товушлар.

Мусиқада шовқинли товушлардан ҳам кенг фойдаланилади; масалан, доира, ногора, барабан, тарелка, кайроқ, кошиқ ва ҳ. к. ларнинг товушлари.


3. *Мусиқавий товушиқатор* – барча мусиқавий товушларнинг баландлик тартиби бўйича жойлашиши.



4. *Товушиқатор асосий погоналарининг бўгин номлари* – до, ре, ми, фа, сол, ля, си.



5. *Асосий погоналарининг ҳарфий ишоралари* – Cc, Dd, Ee, Ff, Gg, Aa, Hh.



6. *Мусиқа алифбоси* – мусиқавий товушларнинг ҳарфий ишоралар билан белгиланиш тизимиdir («алифбо» ёки «алфавит» сўзи юонон алифбосининг иккита бошланғич ҳарфидан, яъни «альфа» ва «бета» (юононча «вита») ҳарфларидан олинган).

Мусиқа алифбосининг келиб чиқиши тарихи жуда қадимийдир. Энг дастлабки қадимий юонон ҳарфий нотацияси эрамиздан олдинги III асрдан янги эранинг X асригача мавжуд бўлган.


Эрта ўрта аср даврида эса Фарбий Европада қадимий юонон ҳарфий нотацияси билан бирга лотинча ҳарфий нотация ҳам қўлланилган. Икки октава хажмидаги диатоник товушқатор *A, B, C, D, E, F, G, a, b, c, d, e, f, g* ҳарфлари билан белгиланган, бунда *a* ҳарфи ҳозирги *ля* товушининг бўғин номига, *c* ҳарфи еса *до* товушининг бўғин номига мувофик келган.


XI асрда кўшикчилик амалиётига Италиялик мусика назариётчиси Гвидо д'Ареццо томонидан товушларнинг янги бўғин номлари киритилган: *ut, re, mi, fa, sol, lya*. Бу номлар черков хонандаларининг қадимий гимн матнидан олинган. Бу гимнда хонандалар муқаддас Иоанна худосидан ўз овозларини тиник ва тоза саклашни илтижо қилганлар. Кўшиқ матнидаги ҳар бир мисранинг куйи аввалгисидан бир поғона баланд товушдан бошланган, ҳар бир янги мисранинг бошланғич бўғини унга мос товушга беркитилган ва шу товуш номига айланган. Бу янгилик хонандаларга товушлар ораликларини ёдда саклашга енгиллик туғдиргани учун жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган.

Талаффуз учун нокулай бўлган *ut* бўғини (Италиялик назариётчи Дж. Дони томонидан 1540 йиллар арафасида) «*до*» бўғини билан алмаштирилган.

Ўрта аср мусиқа назарияси олти товушли товушқаторга, яъни *гексахордга* асослангани учун товушларнинг олтига бўғин номи билан чекланган. Кейинчалик олти товушли товушқаторга қўшилган еттинчи товуш учун (Х. Вильрант томонидан 1574 йилда) гимн матнидаги охирги икки сўзни биринчи ҳарфлари олиниб, *ci* бўғин номи киритилган.

Куйида шу гимннинг ҳозирги нота ёзувидағи тахминий кўриниши келтирилган:






XII асрдан кейин харфий нотация **негамалар ва квадрат нотация** томонидан сикиб чикарилган, аммо у XIV-XVIII асрлар давомида орган ва лютня табулатурасида кенг қўлланилган.

Товушларнинг харфий нотация тизими бизнинг давримизгача етиб келган; хозирда у мусиқашуносликда ва ўкув амалиётида кенг қўлланилмоқда.

## 2. Октавалар

1. **Октаава** – бир хил номдаги товушлар оралиғи.

2. **Октаваларнинг номлари** – субконтр, контр, катта, кичик, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи октавалар.



3. **Фортепиано** – торли-клавишли, уриб чалинадиган мусиқа асбоби.

4. **Фортепиано клавиатураси** – фортепианодаги оқ ва қора клавишларнинг маълум бир тартибда жойлашиши.

5. **Диапазон** – овоз ва мусиқа асбобларидағи энг пастки ва энг юқори товуш оралиғи.

6. **Регистр** – мусиқавий товушқаторнинг шартли равишда З та: паст, ўрта, юқори гурухга бўлиниши.

Мусиқавий товушқаторда мавжуд бўлган тўқизта октаванинг барча товушларини харфий ишоралар билан белгилаб чиқиш мумкин.

Бунинг учун куйидаги жадвални ўрганиб чиқиш зарур.

### I-жадвал

Товушларнинг номлари, октаалар ва уларнинг ҳарфий тизим бўйича белгиланиши

т\р	октаалар	до	ре	ми	фа	сол	ля	си
1.	субконтр октава	-	-	-	-	-	A <sub>2</sub>	H <sub>2</sub>
2.	контр октава	C <sub>1</sub>	D <sub>1</sub>	E <sub>1</sub>	F <sub>1</sub>	G <sub>1</sub>	A <sub>1</sub>	H <sub>1</sub>
3.	катта октава	C	D	E	F	G	A	H
4.	кичик октава	c	d	e	f	g	a	h
5.	биринчи октава	c <sup>1</sup>	d <sup>1</sup>	e <sup>1</sup>	f <sup>1</sup>	g <sup>1</sup>	a <sup>1</sup>	h <sup>1</sup>
6.	иккинчи октава	c <sup>2</sup>	d <sup>2</sup>	e <sup>2</sup>	f <sup>2</sup>	g <sup>2</sup>	a <sup>2</sup>	h <sup>2</sup>
7.	учинчи октава	c <sup>3</sup>	d <sup>3</sup>	e <sup>3</sup>	f <sup>3</sup>	g <sup>3</sup>	a <sup>3</sup>	h <sup>3</sup>
8.	тўртинчи октава	c <sup>4</sup>	d <sup>4</sup>	e <sup>4</sup>	f <sup>4</sup>	g <sup>4</sup>	a <sup>4</sup>	h <sup>4</sup>
9.	бешинчи октава	c <sup>5</sup>	-	-	-	-	-	-

### 3. Ярим тон, бутун тон ва альтерация белгилари

1. **Ярим тон** – товушларнинг энг яқин оралиғи, масалан, *ми-фа, си-до*.

2. **Бутун тон** – иккита ярим тонга teng оралиқ, масалан, *до-ре, ре-ми, фа-сол, ля-си*.

3. **Альтерация** (ўзгартиш) – товушқатор асосий поғоналарининг кўтарилиши ёки пасайтирилиши.

4. **Хосила поғоналар** – асосий поғоналарни альтерация қилиш орқали хосил бўлган поғоналар.

5. **Диез #** – асосий поғонани ярим тон юкорига кўтариш белгиси.

6. **Бемол ♭** – асосий поғонани ярим тон пасайтириш белгиси.

7. **Дубл-диез ♯** – асосий поғонани 2 марта ярим тон кўтариш белгиси.

8. **Дубл-бемол ♭♭** – асосий поғонани 2 марта ярим тон пасайтириш белгиси.

9. **Бекар ♯** – альтерация белгиларини бекор қилиш белгиси.

10. **Диатоника** – товушқаторнинг фақат асосий поғоналардан иборат бўлаги.

11. **Хроматика** – товушқаторнинг асосий ва хосила поғоналардан иборат бўлаги.

**12. Диатоник яримтон ва бутун тон** – ёнма-ён жойлашган 2 та асосий погона орасида ҳосил бўлган ярим тон ва бутун тон, масалан:

**диатоник ярим тонлар:** до-диез-ре; ми-фа; сол-ля-бемол;  
**диатоник тонлар:** ре-ми, ми-фа-диез, сол-ля, ми-бемол-фа.

**13. Хроматик ярим тон ва бутун тон** - бир хилдаги асосий погоналардан тузилган ярим тон ва бутун тон, масалан,

**хроматик ярим тонлар:** фа-фа-диез, ля-ля-бемол, си-си-диез;  
**хроматик тонлар:** до-до-дубл-диез, ре-ре-дубл-бемол, ми-ми-дубл-диез.

Хроматик, яъни альтерациялашган товушларни ёзиш учун маҳсус бўғинлар ишлатилади.

Буни қуидаги жадвалдан билиб олиш мумкин.

## 2-жадвал

### Альтерация белгиларининг ҳарфий тизими

т\р	белгининг номи	ёзилиши	харфий ишораси	до	ре	ми	фа	сол	ля	си
1.	диез	#	is	cis	dis	eis	fis	gis	ais	his
2.	бемол	♭	es	ces	des	es	fes	ges	aes	b
3.	дубл-диез	♯♯	isis	cisis	disis	eisis	fisis	gisis	asis	hisis
4.	дубл-бемол	♭♭	eses	ceses	deses	eses	feses	geses	aeses	bes

Бунда **си** товушининг белгиланиши ўз тарихига эга. **Си** товуши қадимдан лотин алифбосининг **b** ҳарфи билан белгиланган. Аммо XI асрдан бошлаб истеъмолга икки хил «си» товуши: «қаттиқ» **си** ва «юмшоқ» **си** кириб келди. Шунинг учун ҳам у **b** ҳарфининг икки хил ёзилиш усули билан белгиланди; «юмшоқ» **си** юмалоқ шаклдаги **b** ҳарфи билан (лотинча **b** –моллум) ва «қаттиқ» **си** квадрат шаклдаги **♭** ҳарфи билан (лотинча **♭** куадратум ёки **♭** саррум) белгиланди.

Бекар белгиси ҳам шундан келиб чиққан.

Аста - секин «юмшоқ» **си** «қаттиқ» **си** га караганда кўпроқ қўлланила бошланди ва **b** ҳарфи **си-бемол** товуши учун беркитилди. «Қаттиқ» **си** ўз номини йўқотиб, унинг учун лотин алифбосининг саккизинчи ҳарфи (h) киритилди.

## 4. Обертонлар

**Обертонлар** – товуш тўлкинларининг мураккаб шакллари натижасида юзага келадиган юқори тонлар.

Товуш чиқараётган тебранувчи жисмнинг узунаси бўйлаб асосий тебраниш тезлиги товушнинг баландлигини белгилайди, аммо, товуш бир қатор эшитиш кийин бўлган кўшимча товушлар билан бирга жаранглайди. Физик тажрибаларнинг кўрсатишича, тебранаётган жисм, (масалан, тор) нафакат узунаси бўйлаб, балки, бир вақтнинг ўзида унинг 1\2, 1\3, 1\4 ва х.к. қисмлари хам тебраниш ҳосил киласди. Жисмнинг ярми унинг асосий тебранишидан 2 марта тез, 1\3 қисми эса 3 марта ва х.к. тез тебраниш ҳосил киласди. Шунинг учун хам барча кўшимча товушлар асосий товушдан баланд эшитилади. Уларнинг обертонлар, яъни юқори товушлар номини олиши ҳам шундан келиб чиккан.

Обертонларнинг баландлик бўйича жойлашиш тартиби аниқ математик нисбатлар билан белгиланиб, тебранишнинг 2 марта тезлашиши асосий товушдан октава юкорида жойлашган товушни, 3 марта тезлашиши октавадан юкориги квинта оралиғидаги товушни, 4 марта тезлашиши эса асосий товушдан 2 октава баланд товушни ҳосил қиласди.

Жисмнинг бир вақтнинг ўзида узунаси бўйлаб ва ҳар хил қисмларга бўлиниб тебраниши ҳар сафар товушларнинг бир ХИЛ, маълум бир қаторини ҳосил киласди, бу товушларнинг ҳосил бўлиш тартиби куйидаги мисол ва жадвалларда аниқ кўрсатилган. Товушлар орасидаги интервал нисбатига қараб уларни нафакат *китта октава до* товушидан, балки, хохлаган бир товушдан тушиб чикиш мумкин бўлади.

Товушларнинг бундай қатори табиий товушкатор деб, ундаги товушлар эса обертонлар деб аталади.

### Обертонларнинг нота ёзувидаги ифодаси

A musical staff with two staves. The top staff is in treble clef and shows notes on the 5th, 4th, and 3rd lines. The bottom staff is in bass clef and shows notes on the 2nd, 1st, and 0th lines. Above the staff, there are vertical arrows pointing upwards from each note, indicating the progression of overtones. The notes are connected by vertical stems.

## Табиий товушкатор. Обертонлар

Жисмнинг тебраниш шакллари	Жисм кисмла рининг сони	Уларнинг касрдаги ифодаси	Жисмнинг тебраниш тезлиги (сек\марта)	Хосил бўладиган обертонлар	Товушлар орасидаги интерваллар
	1	1\1	64	c	
	2	1\2	128	c	соф 8
	3	1\3	192	g	соф 5
	4	1\4	256	c <sup>1</sup>	соф 4
	5	1\5	320	c <sup>1</sup>	кат 3
	6	1\6	384	g <sup>1</sup>	кич 3
	7	1\7	448	b <sup>1</sup>	кич 3
	8	1\8	512	c <sup>2</sup>	кат 2

## 5. Товушлар энгармонизми

1. **Энгармонизм** – турлича номдаги товушларнинг баландлик жиҳатдан тенглиги.

2. **Энгармоник тенг товушлар** – баландлиги бир хил, аммо турлича номдаги товушлар; масалан, *ре-диез - ми-бемол, ми-фа-бемол, до-бемол - си, фа-диез- сол-бемол* ва ҳ. к.

Товушларни ярим тон юкори кўтариш ва ярим тонга пасайтириш натижасида баландлиги бир хил, аммо номлари бошқача бўлган энгармоник тенг товушлар хосил бўлади; бунга фортепианонинг кора клавишлари мисол бўла олади.

Аммо, товушларни факат ярим тонга эмас, балки бир тонга кўтариш ва бир тонга пасайтириш ҳам мумкин. Бунинг натижасида энгармонизмнинг янада кенг тизими ва хроматик бутун тонлар хосил бўлади.

Буни фортепиано клавиатурасининг бир октава бўллаги тасвирланган қуйидаги чизмадан яққол кузатиш мумкин.

Фортепиано клавиатурасининг бир октава бўлаги

	до # ре ♭	ре # ми ♭		фа # сол ♭	сол# ля ♭	ля # си ♭		
Си	си -# До ре - ♭	до * Ре ми- ♭	ре * Ми фа ♭	ми- # сол- ♭	фа * Сол ля- ♭	соль * Ля си- ♭	ля * Си до ♭	До

## II БОБ НОТА ЁЗУВИ

### 1. Товуш чўзимлари

#### а) Чўзимларнинг асосий белгилари

Мусиқавий товушларни ёзиб олишга бўлган дастлабки уринишлар жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Антик даврга мансуб бир қанча мусиқавий асар ёдгорликларига қараганда уларда товуш баландликлари ҳарфлар билан белгиланган, аммо улар товуш чўзимларини кўрсата олмаганлар.

Қадимию Русда маълум бир мелодик аҳамиятга эга бўлган, куй товушлари йўналишларини акс эттирувчи «крюклар» деб аталадиган маҳсус белгилар қўлланилиб, улар ёрдамида куйлар ёзиб олинган.

Ғарбий Европада ўрта асрларда товушларни ёзиш учун «nevma»лар («nevma» – юнонча «нейма» – мимик ҳаракат, белги) деб аталадиган алоҳида белгилар қўлланилиб, улар товушнинг аниқ баландлигини, унинг чўзимини кўрсатмасдан, факат мелодик чизиқнинг йўналиши ҳақида тасаввур ҳосил қилган, холос.

Ёзувнинг бундай турларини такомиллаштириш зарур эди.

Невмалар билан ёзилган товушлар баландлигини аниқлаш учун мусиқа асбобларига тортилган торларни эслатувчи чизиклардан фойдаланила бошланди. Дастлаб уларнинг сони ноаник бўлиб (1 дан 18 гача), уларнинг ҳар бири аниқ баландлик аҳамиятига ега бўлмасдан, қайси товуш юқори, қайсиниси паст еканлигини кўрсатган, холос.

XI асрда Италиялик мусиқа назариётчиси Гвидо д’Ареццо 4 та чизиқдан фойдаланишни таклиф қилиб, ҳозирги нота ёзувига асос солган. Ҳар бир чизиқнинг олдига унинг аниқ баландлигини белгиловчи ҳарфлар қўйилиб, бу ҳарфлар асрлар давомида ўз кўринишларини ўзгартиб, бизларга таниш бўлган калитларга айланганлар. Уларнинг номларида келиб чиқишига алоқадор бўлган маълумотлар сакланиб қолган: С калити, F калити, G калити.

Давр тақозоси билан нота белгилари кўринишларини ўзgartдилар, 4 та чизиқ ёнига бешинчиси қўшилди, аммо, XI асрда

киритилган нота ёзуви асослари ҳозирги кунларгача сакланиб қолди.

Шундай қилиб, мусикавий асарларни ёзиш учун товушларнинг аник баландлиги ва чўзимларини, шунингдек, уларнинг пульсацияси, ритми, темпи, динамикаси ва ҳ.к.ларни аник акс эттирувчи, такомиллашган ҳозирги нота ёзуви тизими ишлаб чиқилди.

1. **Нота ёзуви** – тарихан юзага келган, маҳсус белгилар (ноталар) воситасида товушларни ёзиш тизими.

2. **Нота** – товушларни ёзиш учун қўлланиладиган маҳсус белгилар.

3. **Невмалар** – Ўрта асрларда Ғарбий Европада товушларни ёзиш учун қўлланилган маҳсус белгилар.

4. **Крюклар** – XII-XVII асрларда қадимий Русда куйларни ёзиш учун қўлланилган маҳсус белгилар.

5. **Танбур чизиги** – XIX асрда Комил Хоразмий томонидан ихтиро қилинган ва Хоразм макомлари тўла ёзиб олинган танбур нотацияси.

6. **Нота йўли** – ёндош чизилган бешта параллел чизик.

7. **Бошлиғич чизик** – нота йўлининг бошланиш кисмида қўйиладиган, беш чизикни бирлаштирувчи вертикал чизик.

8. **Бутун нота** – овал шаклидаги, ичи бўялмаган белги; энг давомли товуш чўзими.

9. **Бревис** – иккита бутун нота чўзимига teng узунлиқдаги товуш чўзими.

10. **Ярим нота** – бутун нотанинг ярмига teng келадиган товуш чўзими; овалнинг ўнг ёки чап томонидан таёқча (ширилган белги).

11. **Чорак нота** – бутун нотанинг 1/4 кисмига teng бўлган товуш чўзими, таёқча туширилган овалнинг ичи бўялган шакли.

12. **Нимчорак ёки саккизталик нота** – бутун нотанинг 1/8 кисмига teng бўлган товуш чўзими.

13. **Ўн олтиталик нота** – бутун нотанинг 1/16 кисмига teng бўлган товуш чўзими.

14. **Штил** - нота белгисининг ўнг ёки чап томонидан, пастга ёки юкорига қўйиладиган – ярим, чорак, нимчорак, ўн олтиталик ва ҳ.к. товуш чўзимларини ёзишда ишлатиладиган таёқча.

15. **Байроқчалар** – нимчорак, ўн олтиталик, ва ҳ.к. товуш чўзимларини ёзишда ишлатиладиган белги.

I-жадвал

Товуш чўзимларининг белгиланиши

т\rп	чўзимнинг номи	ёзилиши	ра?ам	нота ёзувидағи ифодаси
1	бутун нота	•	1	1 • 2 • • 3 • • •
2	ярим нота	♩	2	♩ ♪ ♩ ♩ ♩ ♩ ♩
3	чорак нота	♪	4	♩ ♪ ♩ ♩ ♩ ♩ ♩
4	нимчорак нота	♪ ♪	8	♩ ♪ ♪ ♪ ♩ ♩ ♩ ♩
5	ўн олтиалик нота	♪ ♪	16	♩ ♪ ♪ ♪ ♩ ♩ ♩ ♩
6	ўттиз иккиталик нота	♪ ♪	32	♩ ♪ ♪ ♪ ♩ ♩ ♩ ♩

2-жадвал

XI асргача Фарб давлатларида қўлланилган товуш чўзимларининг хозирги чўзимларга қиёсий жадвали

Бу жадвалда қадимда қўлланилган товуш чўзимлари кўрсатилиб, улардан факат 2 та бутун нота чўзимиға teng бўлган «бревис» хозирги даврда айрим мусика асарларида учраб туради.

т\rп	Чўзимнинг номи	лотинча ёзилиши	маъноси	белгиси	хозирги қайси чўзимга мувофик келиши
1	максима	maxima	энг узун	—	-
2	лонга	longa	узун	—	-
3	бревис	brevis	қисқа	—	2 та бутун нотага
4	семибревис	semibrevis	бревиснинг ярми	◆	бутун нотага
5	минима	minima	энг қисқа	↓	ярим нотага
6	семиминима	semiminima	миниманинг ярми	↓	чорак нотага
7	фуза	fuza	бўлинган	↓	нимчорак нотага
8	семифуза	semifuza	фузанинг ярми	↓	ўн олтиалик нотага

## б) Товуш чўзимларини узайтирувчи қўшимча белгилар

1. *Лига* – бир хил баландликдаги товуш чўзимларини бирлаштирувчи белги.

2. *Нуқта* – товуш чўзимини ярим баравар узайтирувчи белги.

3. *Кўши нуқта* – товуш чўзимини ярим ва яна чорак баравар узайтирувчи белги.

4. *Фермата* – товуш чўзимини истаганча чўзиб туриш мумкинлигини билдирувчи белги.

Лига – лотинча «ligare» сўзидан олинган бўлиб, «боғламоқ» маъносини беради.

Лигалар бошқача аҳамиятга эга бўлиши ҳам мумкин.





Турлича баландликдаги товушлар устидан ёки пастидан кўйилган лигалар энг кўп тарқалган бўлиб, ижрова товушларни бир-бирига боғлаб чалишни талаб этади.

Шунингдек, мотив, фраза ва х. к. лар каби мусиқавий тузилмалар чегараларини ҳам лигалар билан кўрсатиш мумкин.

Фермата – италянча «fermata» сўзидан олиниб, «тўхташ» маъносини беради.

3-жадвал

### Товуш чўзимини узайтириш белгилари

тўр	узайтирувчи белгилар	вазифаси	Масалан:
1	нуқта	чўзимни ярим баравар узайтиради	
2	кўш нуқта	чўзимни ярим ва яна чорак баравар узайтиради	
3	лига – лотинча «ligare» «боғламоқ»	бир хил баландликдаги чўзимларни бирлаштиради	
4	фермата	чўзимни асар характерига боғлик равишда, истаганча чўзилишини билдиради. (одатда, чўзимни ярим баравар узайтиради)	

## 2. Паузалар

1. *Пауза* – мусиқада товуш эшитилишининг вактинча тўхталиши.

2. *Пауза чўзимларининг номлари* – бутун, ярим, чорак, нимчорак, ўн олтиалик ва ҳ. к. паузалар.

Пауза- юонча «pausis» сўзидан олинган бўлиб, «тугаллаш», «тўхташ» маъносини беради.

Пауза – товуш эшитилишининг бир ёки бир неча овозларда вактинча тўхталишидир. Паузалар мусиқавий тузилмаларни бир-биридан ажратиш, ифода кучини янада ошириш учун хизмат қиласи ва мусиканинг асосий кисмларидан бири хисобланади. Паузалар нота ёзувида алоҳида белгилар билан кўрсатилиди. Уларнинг чўзимлари асосий товуш чўзимларига мувофиқдир.

Паузалар – товуш чўзимлари каби нуқта ёки ферматалар ёрдамида орттирилиши мумкин, аммо улар лигалар билан боғланмайдилар.

4-жадвал

### Пауза белгилари

	мувофик пауза	

## 3. Товуш баландликларининг ёзилиши

### a) Нота йўли ва унда товушларнинг жойлашуви

1. *Нота йўли* – ёндош чизилган 5 та параллел чизик.

2. *Кўшимча чизиқлар* – нота йўлининг устида ёки пастидаги жойлашувчи, нисбатан баланд ва паст товушларни ёзишда ишлатиладиган чизиқчалар.

## Товуш чўзимлари ва уларнинг ёзилиши

Бу жадвалда товушларнинг нота йўли чизикларига ва кўшимича чизикларга ёзиш намуналари акс эттирилган.


т\р	Чўзимларнинг ёзилиш ўринлари	бутун нота	ярим нота	чорак нота	нимчо- рак нота	Ўн олтиталик нота
1.	чизикларга					
2.	чизиклар ораларига					
3.	5-чизикнинг устига, 1-чизикнинг остига					
4.	юкориги ва пастки 1- ёрдамчи чизикга					
5.	юкориги 1- ёрдамчи чизик устига ва пастки 1- ёрдамчи чизик остига					
6.	юкориги ва пастки 2- ёрдамчи чизикга					
7.	юкориги 2- ёрдамчи чизик устига ва пастки 2- ёрдамчи чизик остига					

## б) Калитлар

**Калитлар** – товушларнинг номларини аниқлаш учун, нота йўлининг бошига ёзиладиган белгилар.

Биринчи октава соль товушининг ўрнини кўрсатувчи соль калитининг турлари:

1. *Скрипка калити* – 2-чизикка ёзилади.




2. *Қадимий француз калити* – 1-чизикка ёзилган, ҳозирда истеъмолдан чиқиб кетган.



Кичик октааванинг фа товушининг ўрнини кўрсатувчи *фа* калитининг турлари:

1. **Бас калити** – 4-чизиққа ёзилади.



2. **Баритон калити** – *фа* калитининг 3-чизиққа ёзилган қадимий тури.



3. **Бас-профунда калити** – *фа* калитининг 5-чизиққа ёзилган қадимий тури.



Биринчи октааванинг до товушининг ўрнини кўрсатувчи *до* калитининг турлари:

1. **Сопрано калити** – 1-чизиққа ёзилган.



2. **Меццо сопрано** – 2-чизиққа ёзилган.




3. **Альт калити** – 3-чизиққа ёзилади. Симфоник оркестрнинг торли-камонли асбоблар гурухидаги алтъ партияси одатда шу калитга ёзилади.



4. **Тенор калити** – 4-чизиққа ёзилади. Симфоник оркестрнинг торли-камонли асбоблар гурухидаги виолончель ва пулфлама асбоблар гурухидаги фагот ва тромбон партияларида учрайди.



5. **Баритон калити** – 5-чизиққа ёзилган.



#### 4. Икки овозли ва кўп овозли мусиқа асарларининг ёзилиши

1. *Акколада* – нота йўлларини бирлаштирувчи ёй шаклидаги қавс.




2. *Партитура* – бир нечта ёки кўпчилик мусиқа асбоблари учун ёзиладиган (оркестрлар ва хорлар учун) нота ёзуви.



3. *Оркестр* – созандаларнинг гурух-гурух бўлиб жойлашадиган жамоаси

A musical score for orchestra. The parts listed on the left are Flute I, Flute II, Clarinet I, Clarinet II, Oboe, Eng. Horn, Bassoon, and Fr. Horn. Each part is shown on a separate five-line staff. The score includes dynamic markings such as *pp*, *p*, and *f*. There are also performance instructions like "Pan (Ctrl10 64)" and "Pan (Ctrl10 96)" above the Flute I and Clarinet I staves respectively. The music consists of a series of sustained notes with grace notes and slurs.

### 3. *Хор* – хонандалар жамоаси.



- a) *Сопрано* – хотин-қызыларнинг баланд овози.
- б) *Альт* – хотин-қызыларнинг паст овози.
- д) *Тенор* – эркакларнинг баланд овози.
- е) *Бас*- эркакларнинг паст овози.

### 5. *Вокал мусиқаси* – овоз, вокал ансамбллари ва хор жамоалари учун ёзилган мусиқа асарлари.

6. *Чолгу мусиқаси* – мусиқа асбоби, ҳар хил чолғу ансамбллари ва оркестрлар учун ёзиладиган мусиқа асарлари.

7. *Альт* – камонча билан чалинадиган скрипка шаклидаги торли мусиқа асбоби.

8. *Виолончель* – скрипка турига кирадиган торли-камончали мусиқа асбоби.

9. *Фагот* – ёғочдан ясалған, пултрама чолғу асбоби.

10. *Тромбон* – мунштукли, пултрама, мисдан ясалған мусиқа асбоби.

11. *Арфа* – учбурчак шаклидаги торли-тирнама чолғу асбоби.

12. *Орган* – ҳаво ёрдамида чалинадиган, клавишлы йирик чолғу асбоби.

13. *Фортепиано* – уриб чалинадиган клавишлы асбоб.

14. *Торли квартет* – иккита скрипка, алт ва виолончель асбоблари ижро чилиаридан иборат жамоа.

Musical score for strings (Vln I, Vln II, Vla, Cello) in 2/4 time. The score shows a rhythmic pattern of eighth and sixteenth notes. Measures 1-3 are mostly rests. Measures 4-6 show the pattern: eighth note, sixteenth note, eighth note, sixteenth note. Measures 7-9 show the pattern: eighth note, sixteenth note, eighth note, sixteenth note. Measures 10-12 show the pattern: eighth note, sixteenth note, eighth note, sixteenth note. Measures 13-15 show the pattern: eighth note, sixteenth note, eighth note, sixteenth note. Measures 16-18 show the pattern: eighth note, sixteenth note, eighth note, sixteenth note.

## 5. Нота ёзувини қисқартиш ва соддалаштириш белгилари

*Аббревиатура* – нота ёзувини қисқартириш ва қулайлаштириш белгилари.

1. *Реприза* – такрорлаш белгиси.

Musical score showing a repeating eighth-note pattern. The pattern consists of two eighth notes followed by a short rest. This pattern repeats three times across the measures.

2. *Вольта* – мусика асарини такрорлашда ташлаб кетиладиган қисми.

Musical score showing a volta bracket with two endings labeled 1 and 2. Ending 1 consists of a series of eighth-note pairs. Ending 2 consists of a series of eighth-note pairs with some accidentals. The score then returns to ending 1.

3. *Da capo al fine* – III қисмли асарларнинг I қисмини такрорлашда ишлатиладиган белги.

4. *Segno* – такрорлаш белгиси.

Musical score showing a segno bracket with a repeat sign. The bracket indicates that the music should return to the beginning of the section after the first ending.

5. **х белгиси** - бирон-бир тактни ёки мелодик-ритмик шаклни кўп марта тақорлашда ишлатиладиган белги.



6. **Тремоло** – 2 та товуш, интервал ёки аккорднинг навбатманавбат, тез-тез тақорланиши.



7. **Сон октава** – бирон-бир овознинг октавада жуфтлаб ижро қилиниши.




## III БОБ МЕТР ВА РИТМ

### 1. Товуш чўзимларининг асосий (жуфт) бўлиниши

1-жадвал

*Товуш чўзимларининг жуфт бўлиниши* – энг катта узунликдаги товуш чўзими ва унинг бўлакларининг тенг икки кисмга бўлиниш тартиби.



Мусика – жуда қадим замонлардан бери ҳаракат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келди. Ҳаракатга (нафас олиш, юриш, рақс, меҳнат жараёнлари) хос бўлган узлуксизлик (бир текислилик) мусиқага ҳам катта таъсир ўтказиб, унинг эшитилишида муҳим роль ўйнайди. Маълум бир вакт давомида ривожланиб турувчи мусиқанинг асосини кучли ва кучсиз вакт хиссаларининг бир текис алмашиниб туриши ташкил етади. Вактнинг кучли хиссаларига тўғри келадиган товушлар бошқа товушларларга қараганда ажралиб, кучлирок эшитилади. Товушнинг бундай ажралиб эшитилишига зарб (акцент) дейилади.

Шундай қилиб, мусиқада зарб тушадиган ва зарб тушмайдиган товушларнинг узлуксиз равишда алмашиниб туриши рўй беради.

1. *Кучли ҳисса* – зарб тушадиган ҳисса.
2. *Кучсиз ҳисса* – зарб тушмайдиган ҳисса.
3. *Метр* – кучли ва кучсиз хиссаларнинг бир текисда такрорланиб туриши.

4. **Такт** – мусика асарининг бир кучли хиссадан навбатдаги кучли ҳиссасигача бўлган оралиги.

5. **Затакт** (táktoľdi) – кучсиз хиссадан бошланган, тўлик бўлмаган тект.

6. **Ўлчов** – метр ҳиссаларининг маълум бир чўзимда ифодаланиши.

Тект чизиклари нота ёзувида XVI асрнинг охирларидан, дунёвий чолғу мусикасининг ривожланиб бошлаган даврида пайдо бўлган. Шу давргача вокал мусикаси катта ўринни эгаллаб, ундаги зарблар қўшиқ матнига боғлиқ бўлган ва уларни маҳсус бир усул билан ажратиб кўрсатиш учунчилик ҳам зарур бўлмаган.

## 2. Товуш чўзимларининг эркин равиша бўлиниши

Товуш чўзимларининг эркин бўлинишидан куйидаги ритмик гурухлар ҳосил бўлади:

1. **Триол** – асосий товуш чўзимини 2 та тенг қисмга бўлиниш ўрнига, 3 қисмга бўлинишидан ҳосил бўладиган ритмик гурух.






2. **Квинтол, секстол, септол, новемол** – асосий товуш чўзимини 4 та тенг қисм эрнига – 5, 6, 7, 9 қисмга бўлинишидан ҳосил бўладиган ритмик гурух.

3. **Дуол** – ёнига нукта қўйилган нотанинг тенг 3 қисм ўрнига 2 қисмга бўлиниши.

4. **Квартол** – ёнига нукта қўйилган нотанинг тенг 3 қисм ўрнига 4 қисмга бўлиниши.

2-жадвал

Товуш чўзимларининг жуфт ва эркин бўлинишларининг қиёсий жадвали.

тұр	чўзимларининг жуфт бўлиниши	эркин бўлиниши	ҳосил бўладиган ритмик шакллар
1	    	    	триоллар

2	$\text{♩} = \begin{array}{c} \text{♩} \\ \text{♩} \\ \text{♩} \\ \text{♩} \end{array}$	$\text{♩} = \begin{array}{cccc} \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} \end{array}$	$\text{♩} = \begin{array}{cccc} \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} \end{array}$	квинтоллар
3	$\text{♩} = \begin{array}{c} \text{♩} \\ \text{♩} \\ \text{♩} \end{array}$	$\text{♩} = \begin{array}{ccccc} \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} \end{array}$	$\text{♩} = \begin{array}{ccccc} \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} \end{array}$	септоллар
4	$\text{♩} = \begin{array}{c} \text{♩} \\ \text{♩} \\ \text{♩} \end{array}$	$\text{♩} = \begin{array}{cccc} \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} \end{array}$	$\text{♩} = \begin{array}{cccc} \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} \end{array}$	секстоллар
5	$\text{♩} = \begin{array}{c} \text{♩} \\ \text{♩} \\ \text{♩} \end{array}$	$\text{♩} = \begin{array}{c} \text{♩} \\ \text{♩} \end{array}$	$\text{♩} = \begin{array}{c} \text{♩} \\ \text{♩} \end{array}$	дуоллар
6	$\text{♩} = \begin{array}{c} \text{♩} \\ \text{♩} \\ \text{♩} \end{array}$	$\text{♩} = \begin{array}{c} \text{♩} \\ \text{♩} \end{array}$	$\text{♩} = \begin{array}{c} \text{♩} \\ \text{♩} \end{array}$	квартоллар

### 3. Оддий метр ва ўлчовлар

1. *Икки ҳиссали ўлчовлар* – зарблари ҳар бир ҳиссадан кейин тақорланиб турувчи ўлчов.

2. *Уч ҳиссали ўлчовлар* – зарблари ҳар икки ҳиссадан кейин тақорланиб турувчи ўлчовлар

3. *Оддий ўлчовлар* – битта зарбга эга бўлган икки ва уч ҳиссали ўлчовлар.

4. *Alla breve* – ҳар бир ҳиссаси яримталик нота чўзимига тенг икки ҳиссали ўлчов.

3-жадвал

#### Оддий ўлчовлар

ҳиссалар сони	ўлчовларнинг турлари	кўриниши
икки ҳиссали ўлчовлар	2\2 (алла бреве) 2\4	$\begin{array}{cccc} \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} & \text{♩} \end{array}$

уч хиссали ўлчовлар	3\2	
	3\4	
	3\8	
	3\16	

#### 4. Мураккаб метр ва ўлчовлар

1. *Мураккаб метрлар* – бир хилдаги оддий метрларнинг кўшилиши натижасида ҳосил бўлган метрлар.

2. *Нисбий кучли ҳисса* – мураккаб ўлчовлардаги биринчи хиссадан бошқа кучлироқ ҳиссалар.

4-жадвал

#### Мураккаб ўлчовлар

ҳиссалар сони	ўлчовларнинг турлари	кўриниши
тўрт хиссали ўлчовлар	4\4 ёки С 4\8	
олти хиссали ўлчовлар	6\4 6\8	
тўккиз хиссали ўлчовлар	9\8	
йн икки хиссали ўлчовлар	12\8	

#### 5. Арадаш ўлчовлар

*Арадаш ўячовлар* – ҳар хилдаги оддий ўлчовларнинг кўшилиши натижасида ҳосил бўладиган ўлчовлар.

5-жадвал

ҳиссалар сони	ўлчовларнинг турлари	кўриниши
беш	5\4	ёки

хиссали ўлчовлар	5\8	
етти хиссали ўлчовлар	7\4 7\8	

## 6. Ўзгарувчан ўлчовлар

1. *Ўзгарувчан ўлчовлар* – мусиқа асари давомида ўлчовларнинг ўзгариб келиб туриши.

2. *Полиметрия* – мусиқа асарининг бир вақтнинг ўзида ҳар хил ўлчовларда янграши.

## 7. Ритм

*Ритм* – мусиқада товуш чўзимларининг маълум бир ритмик шакллар асосида алмашиниб туришидир.

Ритм юононча «ritmos» сўзидан олинган бўлиб, «оким» маъносини беради.

Масалан:



Кенг маънодаги ритм эса маълум бир вақт жараённида кечадиган ҳаракатнинг ҳар қандай алмашиниб туришини билдиради, масалан, йил фасллариниг алмашиниб туриш ритми, меҳнат жараёнлари ритмлари ва х. к.

## 8. Синкопа

1. *Синкопа* – ритм ва метр зарбларининг бир-бирига тўғри келмай колиши.

**2. Такт ичидаги синкопалар** – бир тактнинг ўзида кучсиз ва кучли хиссаларнинг бир-бирига қўшилиб келиши.

**3. Тактаро синкопалар** – тактнинг охирги кучсиз ҳиссасининг навбатдаги тактнинг кучли ҳиссасига қўшилиб келиши.

### Синкопаларнинг турлари

**1. Такт ичидаги синкопалар** – кучсиз ҳиссадаги товушнинг навбатдаги кучли ҳиссада ҳам давом этиши натижасида ҳосил бўлади, масалан:


ўрнига  
ўрнига ёки  
ўрнига ёки  
ўрнига ёки

**2. Тактаро синкопалар** – тактнинг охирги кучсиз ҳиссасидаги товушнинг навбатдаги тактнинг кучли ҳиссасида ҳам давом этиши натижасида ҳосил бўлади, масалан:

ўрнига  
ўрнига  
ўрнига

**3. Паузали синкопалар** – кучли ёки нисбий кучли ҳиссадаги товуш ўрнига паузанинг пайдо бўлиши натижасида ҳосил бўлади, масалан:

ўрнига ўрнига



#### **4. Комбинациялашган синкопалар:**

а) Тактаро синкопаларнинг тектар ичидаги синкопалар билан кўшилиши натижасида ҳосил бўлади, масалан:



б) Паузали синкопа билан тактаро ёки текте ичидағи синкопаларни күшилиши натижасыда ҳосил бўлади, масалан:



*5. Лигали синкопалар* – лига күчсиз ҳиссадаги товушни күчли ҳиссада ҳам давом эттирсагина синкопа ҳосил қила олади, масалан:



## 9. Чўзимларни гуруҳлаш


## Оддий ўлчовлар



2. Чүзими бутун бир тактни эгаллаган товуш лигасиз, бир нота билан ёзилади, масалан:



3. Агар товуш метр хиссасини бошлаб берадиган бўлса нукта билан ёзилади, масалан,



4. Агар товуш чўзими метрнинг турлича ҳиссаларини ўзи чига олган бўлса, лйга билан ёзилади, масалан:




5. Товуш чүзимлари қандай гурухланса, паузалар ҳам шундай гурухланади, аммо пауза чүзимларига лига күйилмайды, масалан:



## Мураккаб ўлчовлар

Мураккаб ўлчов таркибида қанча оддий ўлчов бўлса, ҳар бир тактда чўзимларнинг шунча гурухи ҳосил қилинади, масалан:

$$6\backslash 8 = (3\backslash 8 + 3\backslash 8)$$




$$5\backslash 8 = (3\backslash 8 + 2\backslash 8)$$



## **Вокал мусиқасида чўзимларнинг гуруҳланиши**

1) Агар матнинг ҳар бир бўғинига куйнинг битта товуши тўгри келса, ҳар бир чўзим гурухланмасдан айрим-айрим ёзилади, масалан:



До, ре, ми, фа, сол, ля, си      Мак-таб пи -а- ни- но - си

2) Агар матннинг битта бўғинига куйнинг бир неча товуши тўғри келса, бу товушлар гурӯхлаш қоидалари асосида ёзилади.



## 10. Темп. Агогика. Динамика

### 1. Темп. Метроном

**Темп** – мусиқа асарини ижро қилиш суръати, тезлиги.

#### Темпларнинг асосий гурӯхлари Вазмин темплар

1. *Largo* – кенг.
2. *Lento* – чўзиб.
3. *Adagio* – оғир.
4. *Crave* – жуда оғир.

#### Ўртача темплар

1. *Andante* – осойишта, шошмасдан.
2. *Andantino* – andantedan сал тезлатиб.
3. *Moderato* – ўртача.
4. *Sostenuto* – салобатли.
5. *Allegretto* – жонланиб.
6. *Allegro moderato* – ўртача тез.

#### Тез темплар

1. *Allegro* – тез.
2. *Vivo* – жонлироқ.
3. *Vivace* – жадал.
4. *Presto* – тез, ошиқиб.
5. *Prestissimo* – жуда тез.

## **Асосий темплардан четлашилганда ҳаракат йўналмасини аникловчи айрим қўшимча иборалар**

1. *Molto* – жуда.
2. *Assai* – ниҳоят.
3. *Con moto* – ҳаракат билан.
4. *Sommudo* – эркин.
5. *Non troppo* – унчалик тез эмас.
6. *Non tanto* – у қадар секин эмас.
7. *Sempre* – доимо.
8. *Meno mosso* – камроқ ҳаракат билан.
9. *Piu mosso* – кўпроқ ҳаракат билан.


### **а) Сусайтириш учун:**

1. *Ritenuto* – сакланиброк.
2. *Ritardando* - кечикиброк.
3. *Allargando* - кенгайтириб.
4. *Rallentando* - секинлатиб.

### **б) Тезлатиш учун:**

1. *Accelerando* – янада тезлатиб.
2. *Animando* – рухлантириб.
3. *Stringendo* – жадалроқ.
4. *Stretto* – ихчамлантириб.
5. *A tempo* – ўз темпида.
6. *Tempo primo* – дастлабки суръатда.
7. *Tempo I* – ўша суръатда.

**Метроном** – темпларни аниқ белгилаш ва ўлчаш учун кўлланиладиган маҳсус асбоб.



Метроном – Веналик механик уста Мельцел томонидан 1816 ийлда такомиллаштирилган; шунинг учун ҳам у Мельцел метрономи деб аталади ва ёзувда М. М., ҳарфлари билан белгиланади, масалан, М. М.,  $\text{♩} = 80$ . Бунда бир дақика давомида 80 та чоракталик ҳисобига түғри келадиган товуш чўзимларини чалиш кўзда тутилади.

**Агогика** – муаллиф томонидан кўрсатилган қатъий темп кўрсаткичларидан четлашиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, метроном мусика асарининг дастлабки, бошланғич темпини аниқлаш учун хизмат килади, холос. Бирок, мусика асарини бошидан охиригача «метроном бўйича» ижро этиш ҳеч қачон тавсия этилмайди; чунки мусика санъати юзаки тарздаги, аниқ метрик бир маромлиликни ўзига сингдиролмайди.

Мусика одам нуткига яқинлашиб, ифодали тарзда жаранглаши учун ижрочилар ундаги давомли товушларни яна ҳам чўзиброқ, нисбатан майдароқ товушларни янада тезроқ ижро киладилар,nota матнида кўрсатилмаган бўлишига қарамасдан, фразалар ёки мотивлар орасида «ҳаво паузалари» киладилар.

Қатъий темп кўрсаткичларидан бундай тарздаги агогик четлашувлар, одатда, кейинги ижродаги қарама-қарши четлашувлар билан текисланади, масалан, тезлашуvdan кейинги секинлашув ва аксинча.

## **2. Динамика – мусикада товуш эшитилишининг турли даражалари**

### **a) Муттасил кучлилик даражаси**

1. *fortissimo - ff* – жуда кучли.
2. *forte - f* – кучли.
3. *mezzo-forte - mf* – ўртача кучли.
4. *pianissimo - pp* – жуда паст.
5. *piano - p* – паст.
6. *mezzo piano - mp* – ўртача паст.

### **б) Муттасил ўзгарувчан кучлилик**

1. *crescendo* – кучайтириш белгиси.
2. *poco a poco crescendo* – секин-аста кучайтириш.
3. *diminuendo* – пасая бориш белгиси.
4. *poco a poco diminuendo* – секин-аста пасайиш.

5. *smorzando* – тина бошлаш.

6. *morendo* – тина бошлаш.

в) Кучлилик даражасини ўзгартириш учун

1. *piu forte* – яна кучли.

2. *meno forte* – сал кучли.

3. *sforzando - sf* – айрим товушларнинг кескин зарби.

### 3. Ижро услубини белгиловчи терминлар

**Артикуляция** – (лотинча «*articulatio*» сўзидан олиниб, «бўламан», «қисмларга бўлиб талаффуз қиласман» маъноларини англатади) товушларни бир-бирига боғлаб ёки айрим-айрим ижро килиш билан белгиланадиган товуш ҳосил килиш усуллари.

1. **Легато** – (италиянча «*legare*» сўзидан олиниб, «боғламок» маъносини беради) товушларни бир-бирига боғлаб, қўшиб ижро килиш.

Масалан:

П. Чайковский. «Қадимиј француз қўшиғи»



2. **Стаккато** – (италиянча «*staccare*» сўзидан олиниб, «узиш», «бўлиш» маъноларини беради) товушларни узиб-узиб, қисқа ижро килиш.

Масалан:

Allegro

V. Motsart "Volinka"

2. **Маркато** – (италиянча «markare» сўзидан олиниб, «таъкидлаш», «ажратиш» маъноларини беради) ҳар бир товушни алоҳида таъкидлаб ижро килиш.

3. **Портаменто** – (италиянча «portare» сўзидан олиниб, «кўтариш», «кўтариб олиш» маъноларини беради) фортепиано мусиқасида қўлланиладиган «чўзиқ стаккато»нинг алоҳида тури.

4. **Спиккато** – (италиянча «spiccare» сўзидан олиниб, «яккол ажратиш, таъкидлаш» маъноларини беради) торли асбоблар мусиқасида учрайдиган «ўткир стаккато»нинг алоҳида тури.

#### 4. Ижро характерини белгиловчи терминлар

италиянча терминлар	талаффузи	русча маъноси	ўзбекча маъноси
abbandonamento	аббандонаменте	непринужденно	эркин, бемалол
accarezzevole	аккарещеволе	ласково	эркараб
affettuoso	аффеттузо	сердечно	юракдан
agitato	аджитато	возбужденно	тўлкинланиб
alla marcia	алля марчя	в духе марша	марш руҳида
amabile	амабиле	ласково	эркараб
amoroso	аморозо	любовно	мехр билан
animato	анимато	воодушевленно, взволнованно	завқ-шавқ билан
appassionato	аппассёнато	страстно	эҳтирос билан
ardente	арденте	с жаром	харорат билан
brillante	бриллянте	блестяще	ўринлатиб, дўндириб
buffo	буффо	комически	кулгили
cantabile	кантибиле	певуче	оҳангдор, ёқимли
capriccioso	каприччозо	капризно	инжиклик билан
con amore	кон аморе	с любовью	мехр-муҳаббат билан
con anima	кон анима	с воодушевлением, с чувством	завқ-шавқ, хис-туйгу билан
con bravura	кон бравура	блестяще	койил-маком
con brio	кон брио	с жаром	харорат билан

con dolore	кон dolore	с грустью	гамгинлик билан
con dolcezza	кон dolcezza	нежно, мягко	майнин, юмшок
con espressione	кон еспрессёне	с выражением	ифодали
con forza	кон форца	с силой	куч билан
con fuoco	кон фуоко	с огнем	үт билан
con grazia	кон grazia	с грацией	латофат билан
con malinconia	кон малинкония	меланхолично	маъюслик билан
con moto	кон мото	подвижно	харакатчан
con passione	кон пассёне	со страстью	эхтирос билан
con spirito	кон спирито	с воодушевлением	жўшкинлик билан
con tenerezza	кон тенереза	с нежностью	майинлик билан
con vigore	кон вигоре	бодро, энергично	тетик, куч-гайрат билан
desizo	дечизо	решительно	дадил
dolce	долче	мягко, нежно	юмшок, майнин
dolcissimo	долчиссимо	очень мягко, очень нежно	жуда юмшок, жуда майнин
dolente	доленте	грустно, жалобно	гамгин, хасратланиб
doloroso	долорозо	грустно, жалобно	гамгин, хасратланиб
elegante	елегант	изящно, красиво	нафис, гузал
elegiaco	еледжако	жалобно, грустно	гамгин, хасратланиб
energico	енерджико	энергично	тетик, бардам
eroico	ероико	героически	каҳрамонона
espressivo	еспрессиво	выразительно	ифодалии
feroce	фероче	дико, свирепо	ёввойиларча, даргазаб
festivo	фестиво	празднично	байрамона
fiero	форо	дико	даргазаб
flebile	флебиле	жалобно	хасрат билан
fresco	фреско	свежо	тиник, тоза
funebre	фунебре	похоронно	мотамсаро
furioso	фурёзо	бешено	кутуриб
giocoso	джокозо	шутливо, игриво	хазилчан, ўйинкарек
gioioso	джоёзо	радостно, весело	шўх, кувнок
grandioso	грандиозо	пышно, великолепно	хашаматли, лаблаба билан
grazioso	грацёзо	грациозно	назокат билан, хиром билан
guerrero	гуереро	воинственно	харбийча
imperioso	имперёзо	повелительно	буйрукнома
impetuoso	импетуозо	стремительно, бурно	шишиб билан, хайкириб
innocente	иннокенте	невинно,proto	масъум, оддий
lagrimoso	лагримозо	скорбно, печально	гам-кайгу билан
languido	лангуидо	с изнеможением. бессильно	лоҳаслик билан, кучизз
lamentabile	ламентабиле	жалобно	ёлвориб
leggiero	леджеро	легко	енгил
leggerissimo	леджериссимо	очень легко	жуда енгил
lugubre	люгубре	мрачно	гамгин
lusingando	люзингандо	лестиво, вкрадчиво	сездирмасдан, силликкина
maestoso	маестозо	торжественно, величаво	тантанавор, улугвор
malinconilo	малинконико	меланхолично	маъюс
markato	маркато	подчеркивая	таъкидлаб
marciale	марчяле	маршеобразно	маршона
mesto	место	печально	гам-кайгу билан

morendo	морендо	замирая	пасайиб, сўниб
parlando	парлэндо	говоря	гўнгир-гўнгир
pastorale	пасторале	пастушески	чўпонча
patetiko	патетико	страстно	эхтирос билан
pesante	пезантे	грузно, тяжеловесно	огир, оғирлик билан
piangendo	пянджендо	жалобно	ёлбориб
pomposo	помпозо	великолепно, с блеском	ўринлатиб, койиллатиб
quieto	кието	спокойно	осойишта
recitanto	речитанто	рассказывая	хикоянамо
religioso	релиджозо	благовейно	эъзоз-эҳтиром билан
rigoroso	ригорозо	строго, точно	катьй, аник
risoluto	ризолюто	решително	дадил
rubato	рубато	свободное исполнение	эркин ижро
rustiko	рустико	в селском духе	кишлок руҳида
scherzando	скерцандо	шутливо	ҳазилнамо
scherzoso	скерцозо	шутливо	ҳазилнамо
semplice	семпличе	просто	оддий
sensibile	сенсибиле	чувствительно	сезгирилик билан
serioso	серозо	серезно	жиддий
soave	соаве	приветливо	хушмуомалалик билан
soavemente	соавементе	приветливо	хушмуомалалик билан
onore	соноре	звукно	оҳангдор
spianato	спянато	просто, ёестественно	оддий, табиий
spirituoso	спиритуозо	одухотворенно, одушевленно	илҳомланиб, жўшкин
strepitoso	стрепитозо	шумно, бурно	шовкин-сурон билан
teneramente	тенераменте	нежно	майин
tranquillo	транкуиллё	спокойно	тинч-осойишта
vigoroso	вигорозо	сильно, бодро	кучли, тетик

## IV БОБ ИНТЕРВАЛЛАР

### 1. Оддий интерваллар

1. *Интервал* – мусиқада иккита товушнинг баландлик бўйича нисбати.


2. *Мелодик интервал* – бирин-кетин эшилган иккита товуш оралиғи.

3. *Гармоник интервал* – бир вактда эшилган иккита товуш оралиғи.

4. *Интервалнинг асоси* – интервалнинг пастки товуши.

5. *Интервалнинг чўққиси* – интервалнинг юкориги товуши.

мелодик интервал



гармоник интервал

6. *Оддий интерваллар* – бир октава оралиғидан ошмайдиган интерваллар.

7. *Оддий интервалларнинг номлари* –

*Прима* – 1, биринчи

*Секунда* – 2, иккинчи

*Терция* – 3, учинчи

*Квартта* – 4, тўрттинчи

*Квинта* – 5, бешинчи

*Секста* – 6, олтинчи


*Септима* – 7, еттинчи

*Октава* – 8, саккизинчи

#### а) Интервалларнинг поғона (сон) микдори

*Интервалнинг поғона (сон) микдори* – интервал таркибига кирувчи поғоналар сони

1      2      3      4      5      6      7      8



## б) Интервалларнинг тонлар (сифат) миқдори

**1. Интервалнинг тонлар (сифат) миқдори** – интервал таркибидағи тон ва ярим тонлар миқдори.

**2. Интервалнинг тонлар (сифат) миқдорини белгилаш үчүн ишилатыладиган сўзлар** – кичик, катта, соф, орттирилган, камайтирилган.

**3. Унисон** – бир хил баландликдаги товушнинг икки ёки бир неча овоз билан бир вақтда эшитилиши.

**4. Учтонлик** – кулокқа кескин эшитиладиган, тонлар миқдори 3 тонга тенг бўлган орттирилган квартада ва камайтирилган квинта интерваллари.

